


Малика БОЙХАНОВА

# АСЛИЯТ

*хикоялар, қатралар, ҳажвиялар*

Тошкент  
«Akademnashr»  
2013



УДК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)7 - 985. араб.  
Б-81

Б-81

Бойханова, Малика.

Аслият: ҳикоялар, қатралар, ҳажвиялар / М.Бойханова. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – 96 б.

УДК: 821.512.133-3

ISBN 978-9943-4116-3-0

КБК: 84(5Ў)7

Китобни ўқиши жараёнида дуч келадиган қаҳрамонларингиз, гувоҳи бўладиган воқеаларингиз сизни ҳам ҳайратлантиради, ҳам ишонтиради. Чунки улар реал ҳаётдан олинган бўлиб, муаллиф уларни мантиқий изчилиллик билан ўз мақсадига бўйсундира олган. Яъни қизиқарли ва ёдда қоладиган асарлар яратган.

10 41268  
2d/  
b1

2013/94  
A  
7088

Alisher Navoiy  
nomidagi  
978-9943-4116-3-0  
O'zbekiston MK

© Малика Бойханова «Аслият»  
© «Akademnashr», 2013

## АСЛИЯТ

*(Кисса)*

Каромат янга ҳовлига чикқан маҳалда, кун анча ёришган, қуёш булут пардаларини ёриб ўтиб, ўткир найзаларини ёнғоқ барглари орасига суқиб-суқиб олар, бу ажабтовур рангин олишув киши кўзини қамаштиради. У ярмигача тунука, қолган ярмига эса сим тўр қадалган товуқхона ёнига бориб товуқларга дон сочди, сувини янгилади. Сунг кўнгли тўлиб ҳовлига разм солди. Дарҳақиқат, ҳовли жуда сўлим эди. Эри тартибни яхши кўрарди, ҳар бир ишда маданият бўлиши керак деб тез-тез қайтариб тургувчи эди. Экинларни ҳам қозик қоқиб, ип тортиб тўғри чизикдай олинган эгатларга экар, гулзорга ҳам айрича нозик дид билан қаарарди. Уйда рўзғор учун зарур ҳамма буюмлар, асбоб-анжомлар бўларди. Бостиurmанинг деворига мих қоқиб, уларни катта-кичигига қараб тартиб билан осиб кўйганди. Бирор уни-буни сўраб чиқса, эринмай ўша ерга бошлаб бораради-да:

— Мана, кўрдингми, теша бор, икки хил: бири уста теша, иккинчиси оддий, лекин уларнинг бирортасини сенга бермайман. Алам қиласин. Шу алам сени бозорга ҳайда-син. Кейин мендан хурсанд бўласан! — дерди.

Унинг қўлини белига тираб, бир кўзини қисиброк мақтанганнымо илжайиб туриши ҳам, пичингсимон гаплари ҳам келгувчининг бир аламига минг алам қўшар, зарда билан бир ютиниб чиқиб кетган кўйи тўғри бозорга боришига шубҳа қиласа ҳам бўларди.

Хаёлга ботганча майда-чуйда юмушларга куйманиб юрган Каромат янга юваниш учун орка ҳовлига ўтиб кетган набирасининг ҳовлиқиб чақиришидан чўчиб у томонга ўгирилди.

— Буви, — деди Насимжон хавотир тўла оҳангда. — Собир амаким боғдаги ёнғоқни кесмоқчига ўхшайдилар. Юринг, ундан қилмасинлар, буви, юринг, сиз айтинг.

Каромат янганинг хаёлига кеча шомдаги воқеа келди. Келин «болалар ёнғоққа кесак отиб ҳовлининг расвосини чиқаряпти» деб роса ғавғо кўтартганди... Демак, туни билан қулоғига қўйилган арз-дод аралаш янги нағманинг натижаси шу бўлибди-да...

— Қўй, болам, кесса кесар, мен нима ҳам дея олардим?

— Ахир, «буни бобонг эккан» дердингиз-ку доим, — норози тўнғиллади Насимжон.

— Қани, юр, уйга кирайлик-чи, хотиржам гаплашамиз, — деди янга набирасининг елкасига қоқиб.

Бувисидан бир иш чиқмаслигини сезган болакай боф томонга бир-икки яниб нигоҳ ташлади-да, истар-истгамас унинг ортидан эргашди.

— Кел, манави ерга ўтири, чойингни ич, қорнингни тўйғаз.

Бироқ Насимжоннинг чиройи очилмас, бувиси сийлаб берган қурт ҳам, майиз ҳам уни ҳар доимгидек хурсанд қилолмаётганди. Бувисининг: «Ёнғоқ демагани бозор билан битта бўлиб ётади, қанча керак бўлса, даданг олиб келаверади, жиннивой», — деб эркалаши эса баттар аламини келтираётганди.

Яқинда «Ёнғоқ ўйин» бошланади. Қишлоқда ҳар бир ўйиннинг ўз даври бўлади, ўрик пишиғида «Данак ўйин», ёнғоқ пишиғида «Ёнғоқ ўйин», кеч кузда «Ланка», ёзда «Етти тош», «Коч, болам, бой келди». Э-э-э, буларни бувисига тушунтириб бўлармиди?

Ахир, ёнғоқ ўйини бошланганда, энг обрўли бола ҳовлисида ёнғоғи бор бола бўлади-да. Ўзидан катталар ҳам журматини қилиб «укам, укам» деб қолишади. Уям ўзича ишбилармон. Битта-я-

римта зўравон акаларига чемчи ёнғоқлардан бе-  
риб яхши кўриниб олади. Чемчи ёнғоқ – мўлжалга  
аниқ олиш учун мослаб ишлов берилган ёнғоқ. Ана  
ўшандада кўринг бу Насимтой деганларининг маҳал-  
ланинг эркатои бўлишини. Ошналари атрофи-  
да парвона. Хуш муомала пулга сотиб олинадиган  
замонда бунақанги кўтар-кўтар кимга ёқмайди  
дайсиз? Мана энди обрў ҳам ёнғоққа қўшилиб ер  
билан битта бўладиганга ўхшаб қолди. «Бувим ҳам  
қизиқлар-да, – деб ўйларди у, – кечагина ёнғоқнинг  
илдизи унга дори, пўстлоғи бунга дори деб ҳаммага  
мақтаб ўтирадилар. Энди бўлса...»

Иссиқ чой, яна сочиққа ўралган нимадир кўта-  
риб келини кириб келди.

– Ойи, яхши ётиб турдингизми, нон, сомса би-  
лан овора бўлиб ҳалигача хабар ҳам ололмадим, –  
ийманиб ҳол-аҳвол сўради у.

– Тузукман, болам, ўзинг ҳам чарчаб қолма-  
дингми? Нон ёпганингни билмай ҳам қолибман,  
қарашворардим.

– Қизиқмисиз, ойи, уч-тўртта нон килувдим,  
газда пишириб ола қолдим. Олинг, иссиғида енг.

Каромат янга нонушта қилган бўлса ҳам ке-  
линининг кўнгли учун нонни ушатди, ҳали-ҳануз  
тумшайиб ўтирган Насимжоннинг олдига бир  
бурда нон, сомса қўйиб ейишга ундали. Ўзи ҳам  
битта сомсанни олиб иккига бўлди, хонага ёқимли  
кўкат иси ёйилди.

Каромат янга жилмайиб турган келинига қараб:

– Икки дунё кам бўлма, қизим, йил-ўн икки ой  
мени кўкат билан сийлайсан-а, сени Аллоҳ сийла-  
син, илойим, ўзингга ўхшаган келин учрасин, ово-  
ра бўлибсан-а, – деди

– Айтганингиз келсин, ойи, ҳарна бош оғригин-  
гиз қолади дейман-да, овора бўлиб далага бо-  
рибманни, шу ўзимизнинг ҳовлидаги кўкатлар,  
шу кунларда, айникса, семизўт кучайди. Кўпроқ

ўшандан солдим, қонни суюлтириб, бош айланишини қолдиаркан.

– Ҳа, бувим раҳматли ҳам шунақа дер эдилар. «Семизўтдан сомса қилинг, чумчуққўздан чучвара, мантига ҳўп ярашади беда ва ёғлик шўра», – деб шеърга ўхшатиб гапирадилар. Неваралари ни жонларидаи кўрардилар. Куйлакларининг енги узун, кенг бўларди. Енгларига ҳар нарсаларни солиб, учини кафтлари орасига олиб чиқиб келардилар, тўксалар, дастурхон ҳар хил ширинликлар, ёнроқ, майиз, туршакларга тўлиб кетарди.

Каромат янга сомсани еб келинини алқаб ўти-раркан, Насимжонни ҳам дастурхонга унданб кўяр, у эса зардасидан тушай демасди.

– Тур, ўғлим, қорнинг тўйган бўлса, чиқиб опангга ёрдам бер, мен ишимга бора қолай. Майли, ойи, яхши ўтиринглар.

– Хўп, қизим, ишинг олдига босаверсин. Бора-вер, болалардан кўнглинг тинч бўлсин. Айтганча, ишдан чиқиб Мафтунадан хабар олгин, худо шу қизимгаям шифо берса эди.

Матлубахоннинг миннатдор нигоҳи қайнонаси-нинг юз-кўзларини силади.

– Ажабмас, ойи. Бечора жуда қийналиб кетди. Ота-онаси ҳам эзилиб кетдилар.

– Юра қол, ўғлим, опанг билан бирга кетасизлар, сени деб у ҳам дарсга кеч қолмасин.

– Э-э-э, мен сизга ёш боламанми? Зилолангиз ўзи кетаверсин, ошналарим билан кетаман.

Она-болаларнинг чуғур-чуғури ҳовли тўридаги уйларига етгунча эшитилиб турди.

Келини Насимжонни олдига солиб чиқиб кетгач, янга дастурхонни йиғиштирган бўлди. «Хали-замон бирортаси кириб келади», – деб иссиқ нонни дастурхонга ўради, чойнакка чиройли қилиб тикилган қалпоқни кийгазди-да, бир маромда ишлатётган арранинг овозига қулоқ тутди. У боғ томонга

ўтиб Собиралига у-бу дейиши ор билди. Мунғайиб чиқиб кетган набирасини кўз одига келтирас экан, «бизниги келганда шу тенги бола эди-я, вақтнинг ўтишини» деганча хаёлга берилади.

\* \* \*

Ўша йили қиши жуда қаттиқ келган, Раҳимберди акани райком чорвадан хабар олиш учун тоққа жўнатганди. Каромат янга Қодиралини ухлатиб, ўзи сандалга мук тушганча уни-буни тикиб ўтирас, бижилдоққина қизи Роҳатой пинжига суқилиб боши билан биқинига турттар, онасининг зардали нигоҳига жавобан: «Дадамни соғинидим, қачон келадилар?», – дерди зорлангансимон.

– Кеп қоладилар, қизим, бунақа қилавермагин, укангни уйғотиб юборасан. Ётиб ухлай қол энди.

– Яна кўрмас эканман-да, соғиниб-соғиниб дадамни кўролмай ухлайверарканман-да...

Она-боланинг тортишуви тугамай, ташқаридан отнинг пишқириғи эшитилди.

– Дадам келдилар, – югурди қизалоқ.

– Шошма, шошма дейман, кийиниб ол, шамоллайсан-а, – ортидан ёзғирганча қолди онаизор.

Каромат янга чиқиб Раҳимберди аканинг отдан бир нарсани тушираётганини кўриб тўхтади ва салом берди.

– Ойи, қаранг, дадам ҳам бизга ука опкептилар,

– деди Роҳатой, – каттакон ука.

– Ука эмас, асал қизим, ака опкеядим, ака.

**Майлими?**

– Ие-е-е, дадала ака опкеларканда-а? Ойила ука опкелади. Менга маза-а, акам ҳам бор, укам ҳам!

– Энди ичкарига кир, – деди онаси уйқуси учеб, аллақандай томошага илҳақ бўлаётган қизчага.

– Ха, ичкарига кириб ювенишга сув тайёрлаб туринглар, – деди Раҳимберди ака қўлидаги сак-киз-тўкқиз ёшлар чамасидаги болани ерга қўйиб отхона томонга юраркан.

– Тинчликми, дадаси? – деди Каромат янга йигитчанинг елкасидан қоқиб салом-алик қилгач, эрининг ортидан бориб. – Ким бу бола?

– Танимадингми?

– Йў-ў-ўк.

– Собирали-ку бу. Эсингдами, Мохира холамнинг ўғли.

– Вой, Собирали шундок катта йигит бўлтими? Каердан топвоздингиз уни, тоғалари опкетган деб эшитардим...

– Ҳа, тоғалари билан экан, тоғда, – деди Раҳимберди ака афсусланган оҳангда. – Шу десанг, хор бўлиб кетибди бола бечора, одамнинг раҳми келади. Қара, ранг-воши бир ахволда. Олиб келавердим, онаси, бир ёғи жигарчилик, бир ёғи... Савоб ҳам керак-ку одамга, нима дединг? Онасини биласан, ўйларидан ортмайди...

– Нимаям дердим, яхши қипсиз, укаларига бош бўлиб юрар...

Каромат янга уй олдида дам унга, дам бунга қараб ичкарига киришга иккиланиб турган рангпар йигитчага қараб жимгина хўрсаниб қўйди.

– Собирали, аввал бир ювиниб оламиз, ўғлим, – деди Раҳимберди ака меҳрибон оҳангда. – Кеин уйга кирамиз. Бўла қол, онаси, ўчоққа ўт ёқиб юбор.

Дахлиздаги ўчоққа ўт ёқиб уйни ҳам, сувни ҳам иситишди. Янганинг бисотидан Собиралига мос кийим-бош ҳам топилади. Нариги уйда дастурхонни янгилааб, энди чой дамламоқчи бўлиб турувди ҳамки, эри чақириб қолди:

– Онаси, бу ёққа қара, кел, келавер, Собирали энди сенинг ҳам ўғлинг. Уялма, ўғлим, уялма, мана, сочиқ боғлаб қўяман.

Унинг овозида алланечук ташвишли, хавотирили оҳанг бор эди.

– Тинчликми, дадаси?

– Ҳа, тинчлик... яна сув тайёрла, кейин қарашиб юборасан, шекилли, ўзим қийналиб кетдим.

Каромат янга Собиралининг қизариб, эшак еми тошганга ўхшаб турган баданига қаради-ю, сесканиб бақириб юбораёзди. Қули билан оғзини тўсиб анграйганча эрига қаради:

– Вой шўри-и-и-м,вой ўлмаса-а-а-м...

Боланинг сочи қолиб баданигача битлаб кетган, жирканч мавжудотлар терисининг ораларигача ўрнашиб олганди.

– Дадаси, – деди Каромат янга бир оз ўзига келиб олгач, – сочини аввал қайчида, кейин устара-да олинг. Мен баданидагиларни тозалаб ташлайман. Кейин яна бир-икки чўмилтириб оламиз. Вой худойим-эй, шунақасиям бўладими? Айтганча, кийимларини нима қилдингиз?

– Копга солиб қўйдим. Тезда ташқарига олиб чиқиб ўт ёқиб юбориш керак...

Эр-хотин кўзларида мунг қотиб қолган Собиралини чўмилтириб одамбашара қилгунларича алла-маҳал бўлди.

Эрталаб Раҳимберди aka ишга жўнаётib хотинига тайинлади:

– Совуқка чиқмасин, яралари газак олиб кетади, дори суртиб-суртиб тургин, ишқилиб, эҳтиёт бўласан-да, ўзи адойи тамом бўлай дебди.

– Яхшиям, худойимнинг раҳми келиб сизга рўбарў бўлибди. Хотиржам ишингизга бораверинг, ажабмас, уч-тўрт кунда яхши бўлиб кетса...

...Собирали оёқ-кўлликкина бола бўлган экан. Икки-уч кунда анча ўзига келиб қолди-ю, ҳовли-даги юмушларга уннай бошлади. Каромат янга-нинг жони кириб қолди: болаларнинг кир-чири, овқат-озиги, кийим-бошига қараса бас, мол-ҳолларга қараш, ҳовли-жойдаги катта-кичик юмушларни Собирали ўз қўлига олди.

\* \* \*

Бир йили ёзда галати воқеа бўлди. Собирали мол-қўйларни далада бокиб, қайтишда озроқ ўт юлиб келар, уларни қуритиб қишига ғамлаб қўярди. Ўша куни жуда кеч қолиб кетди, хавотирланган Каромат янга беш-олти марта кўчага чиқиб қайтди. Нихоят, кичик пода ва подачи кириб келишди. Собирали унча катта бўлмаса-да базур кўтариб келаётган тугунини ҳовли сахнига «тўп» этказиб ташлади. У жуда чарчаган, ҳансираб зўрға нафас оларди.

– Намунча, болам, ўзингни бунча қийнайсан-а, шу ўт ўлгурни озроқ юлсанг ҳам бўларди-ку. Сени бирор уришармиди-а? Терлаб-пишиб кетганингни қара...

– Қўйсангиз-чи, янга, шунга ҳам қийналармидим, қаранг, ўзи ярим кўтарим ўт, лекин бунинг оғирлигини айтинг. Елкаларим узилиб тушди. Яна нуқул печак бу савил. Мана, қаранг.

У этакни бўшатмоқчи бўлиб ўтни ағдарган ҳам эдики, катта-кичик, йўғон-ингичка илонлар ҳар томонга тўзғиб кетишиди. Она-бона бақирганларича бир-бирларига ёпишиб қотиб қолишиди. Бу шовқинга ошхонада куйманиб юрган Роҳатой югуриб чиқди. У аввалига бир оз анграйиб турди, кейин қаердандир ақлига келиб сувга югурди: онаси ва акасининг юзига сув урди.

– Вой болам тушмагур-эй, ўт қилганинг ҳам бор бўлсин. Қаердан шунча илонни топа қолдинг? – сўради ўзига келгач Каромат янга.

– Илон териб этакка қамаб менга зарилми, янга, кари тутнинг тагида печак кўрпа бўлиб ётибди. Ер юмшоқ, тортсам, ўралиб-ўралиб чиқяпти, шундокқина кўрпа тахлагандек ўраб олдим. Мен қайдан билибман ичида шунча илон борлигини?

– Ҳа, кари тут дегин, у ерда илон ўрдаси бор деб хеч ким ўт юлмасди. Сен, ботирполвон, илонни ўрдаси билан кўчириб келибсан-да!..

\* \* \*

Каромат янга шуларни ўйлаганча жилмайиб ўтирганди, салом бериб тонг саҳарда юмуш билан чиқиб кетган ўғли Кодирали кириб келди. Унинг авзойидан ҳовли этагидаги арра овозини эшитгани билиниб турарди.

– Ҳа, ойи, хурсанд кўринасиз?

– Хурсандчиликка нима етсин, болам... Кела кол, чойинг совимасин.

– Қандоқ ўтираман, ойи, анави эркатойингизга бирон нима десангиз бўлмайдими?

– Э-э, болам-а, нима дейман, кўй ўшани, гапирма. Кўй, болам.

– Кўй, болам, кўй, болам деяверасиз, ойи. Уйда ҳам шу гап, ишда ҳам. «Кўй, уларга тенг келма», «Кўй, ўзингни ўйла». Ҳаммани қўйга айлантиридиларинг-ку шунака деявериб. «Шер болам», «Арслон болам» ҳам дeng-чи, нима бўларкин?

– Сен индама, ўғлим, ҳар бандасига худо инсоф берсин, бермаса, қийин.

– Гўрда инсоф киради бунга, ўлганда инсоф киради. Ҳамманинг жонига тегиб кетди-ку! На бокқанни билади, на қариндош-уругни. Юзингизга тупирворди-ку, яна қанча чидай?

– Ҳай-ҳай, ўғлим, сенга нима бўлди, мунча вахима қиласан? Ўтири, нафасингни ростла.

– Сиздан келадиган гап доим шу, ойи. Ўтган или ҳосили бўлиб-битиб турган ёнғоқни кесди, индама дедингиз. Индамадим. Камига қанча шиферни синдириди, индама дедингиз, яна тилимни тишлаб қолавердим. Дадамнинг қўллари теккан дараҳтни кесиб дарвоза килиб ўрнатиб олди, шундаям индама, кўй дедингиз, билдими бу виждонсиз шунча яхшиликларингизни, билдими?

– Ўтган ишларни кавлама, жон болам. Ўзинг ҳам биласан-ку, акангнинг айби йўқ. Қандоқ қи-

лайликки, қизил оёқлар бино бўлди, қизил юздан жудо қиади...

– Сизга мақол, ривоят айтиш бўлса-да. Ундан кўра чиқмайсизми, «Сени уйли-жойли, хотин, бола-чақали қилиб топган обрўйим шу бўлдими? Қачонгача шу сочи пахмок, қўли тўқмок хотининг нинг сўзига кирасан?» – демайсизми...

– Тезлик қилма, ўғлим, ярашмайди. Эси пастларнинг химмати ривоят, оқилларнинг химмати риоят дейишиган. Уйли-жойли қилган бўлсам, савоб деб қилганман. Қачондир хизматимни қиссин деб эмас.

– Э-э-э, савобни тушунармиди бунингиз?..

– Ривоят дединг, эсимга тушди, мана, эшиит. Бир куни олис бир юртдан элчи келиб халифа Умар (р.а.) билан учрашмоқчилигини айтиби. Саҳобалар у кишини қидира-қидира бир жойда терга ботиб чодир қураётганлари устидан чикишибди. Бегона юрт элчиси олдида бир оз ноқулай аҳволда қолган саҳобалар:

– Сиз халифа бўлсангиз, нега бунақа юмушларни қиляпсиз? – дейишиби.

– Бева-бечора бир аёл бошпанасиз қолса-ю, мен халифаман деб бош кўтариб юрсам қандоқ бўлади? Унга ўзим чодир қуриб беришни ният қилдим, – дебдилар ҳазрати Умар (р.а.).

Элчи исломнинг тош қалбни ҳам сел қилгудек чексиз қудратидан ҳайратланиб юргита қайтган экан.

Кўрдингми, шундай улуғ зотнинг нотаниш бир аёлга қилган химмати олдида менинг хизматим нима бўлди-ю, ўзим ким бўлдим?..

– Шунақа дейсиз-ку, сиқилиб кетаман-да, ойи. Шуни уйлайман деб ўтирган уйимизни ўртасидан бўлиб девор уриб қанча қийналгандингиз! Совук кунда бу заранг ердан лой қилиб, гувала қилиб, уйни бўлгунча қўлларингиз қавариб, яра-чақа бў-

либ кетгани шундоқ эсимда турибди. Ўша хизматларингизни ҳам билмади-я бу нокас!

– Эсласанг жуда яхши, ўшанда ҳаммамизнинг жуда аҳил яшаганимиз ҳам эсингдадир?

– Тўғри, аҳил яшаганимиз, лекин унда опам раҳматли...

– Бўлди энди, ўғлим, ярамни тирнама, опангни эслатма ҳозир...

Онасининг кўзида ёш филтиллаётганини кўрган Қодирали бир ҳўрсинди-ю, ишга боришини айтиб ташқарига чиқиб кетди.

«Фариштадай эди-я келиним бечора», – деди Каромат янга деразадан беғубор осмондаги онда-сонда учрайдиган оппок булатларга тикиларкан. Гўё шу момик булатлар орасидан малаксиймо келини унга мўралаб тургандай юраги ҳаприкиб кетди. Аллохнинг иродаси шу бўлгач, бандай ожизнинг кўлидан нимаям келарди, илоҳим, ўзи раҳматига олгани рост бўлсин. «Фариштагина келиним увол бўлди-я», – дея пичирлади.

\* \* \*

Собирали улгайиб бир йигит бўлди, бир йигит бўлди. Сийраккина мўйлаби ўзига ярашган, бўй-басти келишган. Манглайи кенг, қўнғир қошлиари қуюқ, кайрилган; кўзлари бир оз қисиқ бўлса-да мафтункор, бутун вужудидан куч ёғилиб турди. Лекин жуда содда. Каромат янга уни уйлаш пайига тушди, бироқ тўй қилиш ҳазилакам иш эмас. Уззукун далада ишлайди, яна боғдаги ўрик, олмаларни офтобда қуритишга ҳам вақт топади. Териб-термачлаб қоп тўлдиради. Уларни бозорда сотишга эса инжиқ эридан рухсат ололмайди: Раҳимберди ака «ниманг кам, шунчалик мухтоҷ бўп қидингми?» деб берган, яна гап очолмайди. Ўйлаб-ўйлаб шофёрик курсига қатнаётган Собиралини йўлга солади:

– Бүш вақтингизда шуларни бир амалланг, Собирвой. Ахир, түнгизде ул-бул йиғмасак бўлмайди: сиз сотиб пул қилиб келасиз, мен сандик тўлдираман. Карабсизки, бу ёғи түй!

Собирали ер чизади, уялади-да, кейин «ноилож» рози бўлади. Лекин бу содда йигит бозор йўлини билмайди. Янга унга қопни орқалатиб қўлига бир халта тош тутқазади:

– Сўраб-сўраб бораверинг. Ҳар муюлишда бир мўлжал қилиб, битта тошни қўйиб кетаверасиз, қайтишда шу тошларга қараб уйни топиб оласиз.

– Келишда яна тошларни халтага солиб келайми, янга?

– Вой, қўйинг, тошларга тегманг. Халтага пул соласиз, пул. Бора қолинг.

Ҳайтовур, ҳафта-ўн кунда бозорга қатнаб Собирали ҳам чаққон бўлиб қолди, бу орада курсни тамомлади. Пул ҳам жамғарилди, латта-путта ҳам олинди. Тез орада лойиққина қиз ҳам топила қолди. Ширингина тўй қилиб, келин туширилди. Оиласдаги кенгфеъллик сабаб камтарона бўлса-да, инок яшардилар.

Келин меҳнаткаш, оқила қиз эди. Дастрлаб, икки боласи ойига етмай туғилиб нобуд бўлгани қаттиқ таъсир қилими, кундан-кун сўлий бошлади. Бир муддат уй юмушларидан озод қилинган, ким нима топса илиниб, оғзига тутаётган келинболанинг аҳволи яхшиланавермади. Шундай кунларда Каромат янга эрига айтиб юриб бир «дори» топтириб келди.

– Дадаси, таниш чўпон-чўликларингизга айтинг, чала туғилган кўзининг гўштидан топиб беришсин.

– Нима қиласан?

– Келинга чучвара қилиб бераман.

– Э-э, емайди, чимтомоқ-ку бунинг, оғзига ҳам олмайди.

– Ўзига билдирмайман-да, шуни жуда даво де-ишиди қўшни кампирлар.

– Ол-а, энди бир камим кампирларнинг гапи билан чала туғилган қўзи излашим қолувди!

– Бу гап қадимдан қолган. Келиннинг аҳволига бир қаранг, одамнинг юраги ачиди. Зора, шу билан ўзига келиб кетса.

– Сенга гап уктириб бўлармиди, бориб-бориб бир кун ўзинг ҳам кампир бўласан-да! «Пир» деганинг маъносини биласанми? Ақлли, донишманд одам дегани. Уқтингми? Унда «кам пир» нима бўлади?..

Гарчи ҳазил-хузул килиб ён бермаган бўлса ҳам, Раҳимберди ака чўпонларга тайинлаб юриб бир пайса эт топтириб берди. Янга келинга сездирмай чучвара пиширди. Эм тушди. Ой-куни етган келин қизалокли бўлди. Ойдеккина, кўзлари мунчоқ чақалоқ икки оиласа бирдек қувонч олиб келди. Янганинг ҳурматидан унга Карима деб исм қўшиди.

Кўп ўтмай Каримага ойиси ўғил ука олиб келди. Бу пайтга келиб Собиралининг ҳам ишлари юришиб кетди, ҳовлини бўлиб алоҳида уй-жой қилди. Тинч-тотув яшаётган кунларининг бирида кутимаганда ўғлининг тиниб-тинчиб кетгани, ўзини унглаб олганини эшитган, «урокда йўқ, машоқда йўқ» Моҳира хола пайдо бўлди. Ёвуз қалбли бу аёлни эри ўлганидан кейин ўгай болалари сифишишимай қўйган эдилар.

Энди ўзига келиб, рангига чиқиб қолган келин шўрликнинг бошидаги омонат баҳт қуши учди-кетди: қайнона-келиннинг беаёв можаролари бошланди.

Бир куни кўзлари қизариб кириб келган келин Каромат янгани кўрди-ю, йиғлаб юборди.

– Вой, янга-ей, уч дона тўкилган олмани олганимга нима томошалар кўрсатмади-я бу хотин!

Үйга кетаётгандим. Болалар йўлда уни-буни олиб беринг деб харҳаша қилишмасин деб ўша олманни олдим-у, балога қолдим. Аввалига ўғридан олиб ўғрига солди, кейин: «Бор нарсани онангникига ташиб ўғлимни хонавайрон қиласанми?» – деб ҳовлини бошига кўтарди. Буям майли, узун калтак опкелиб борки олмани ер билан битта қилиб қоқиб ташлади. Камига appa кўтариб дарахтни кесишга югурди...

Каромат янга анграйиб қолди. Агар Моҳира холанинг ёнига чиқиб бир нарса деса, жанжал кучайиб кетиши мумкин. Оғир бўлди. «Сабр ҳам эҳсондир, жон қизим, сабр қилинг-чи...» – деб келинни ҳам овутди.

Собирали ҳам икки ўт орасида қолди: бир кўзи – онаси, бир кўзи – хотини. Қай бирини ўйиб ташлаб бўлади? Яхшиси, кўзини юмиб кўя қолди, лекин Моҳира холанинг харҳашалари тугай демасди. Бир куни келин Салимжонни кўтариб сўзсизгина кириб келди. Аста девор ёнидаги тўнкага чиқиб ҳовлисига мўралади, кейин Каромат янгани имлаб чақирди. Каромат янга ҳайрон бўлганча девор ёнига борди. Келин кўрсатган томонга қаради. Не кўз билан кўрсинки, Моҳира хола экинзордаги қуриган ўт-ўланми, илдизми, нимаки ифлос нарса бўлса, барини ҳовли саҳнига отяпти. «Белим оғрийди деб нолигани-нолиган, балодай иш қиларкан-ку», – дея хаёлидан ўтказди янга, сунг кампирнинг бетавфиқлигидан бошини сарак-сарак килганча девордан нари кетди.

– Кўрдингизми, янга, бир ёққа чиқдим дегунича аҳвол шу – супурган еримни булғаб ташлайди. Майли, куч-куватим бор, яна супириб-сидириб олавераман, лекин шунака хунарлари борки, одам боласи чидамайди.

– Энди нима ҳам дея олардик, у кексайиб қолган бир кампир. Сабрли бўлинг, Аллоҳ сабрлилар


билинг бирга дейилган-ку, ахир, бир куни ажрини топарсиз.

– Нега шунақа қилишини сира тушунолмайман. Ўировга айтсанг, ишонмайди, ўзим ҳам «тавба» деб ёқамга туфлайман. Кеча совиса, банкаларга жойлайман деб пишириб қўйган бир қозон томатимни ювиладиган кирларнинг устига тўкиб аралаштириб ташлабди. Уч-тўрт марта қайта-қайта ювдим, қани тоза бўлса! Уларни энди ёқиб юбориши керак, кийишга ярамайди. Менга ачинмаса, ҳеч йўқ, ўғлини аямайдими жодугар?! Ахир, боласи пулни кўчадан супуриб келмаяпти-ку, уззукун чанг ютиб, корамойга беланиб ишлайди. Онанинг кўлидан келадигани эса факат заар: тузга кум қўшиб қўяди, қуруқ чойга тупроқ! Ўлиб қоламан, янга, юрак-бағрим эзилиб бўлди. Уйга кетай десам, у ердаги ахвол ҳам маълум.

Каромат янга лом-мим демади. Тўғрироғи, ҳозирги вазиятда уни овутишга сўз топиш қийин эди. Ахир, туни билан безовталаниб ухлатмагани учун бемор боласини ерга бир уриб ўлдириб қўйган она(!) мана шу Моҳира хола-да. Ўша воқеадан кейин тогалари буни ҳам бир бало қилиб қўймасин деб Собиралини тоққа олиб кетишган, уни эса бир бева кишига никоҳлаб беришганди. У ўгайлик килавериб роса азоб бергани боис, болалар отаси ўлиши билан Моҳирани кўчага чиқариб қўйишиди.

Энди иссиққина жойга ўринашиб олиб, карахтиликдан кутулган заҳарли илондай кунда бир қилиқ чиқаряпти. Раҳимберди aka бир неча марта инсоғфа чақирганди, охири унга ҳам бобиллаб беришни ўрганди. Ўғлимни номуносиб жойдан уйлагансанлар деб таъна-маломат қилишдан ҳам тоймади.

Муттасил сиқилиш, дардини ичга ютиштириб Насиба келинни енгди: тез-тез касалга чалинадиган бўлиб қолди. Бир оз мактубтиб бутурилди.



ётиб қолди-ю, учар қайнонанинг «чиллашур» келини «күтартанг»га айланди.

Бемор келинини күргани чиққан Каромат янга андишасиз бир зорлик билан (балки, келин эшигин деб атайлаб) жаврай бошлаган Моҳира холанинг таънасидан мулзам тортди, дилтанг бўлди.

– Бу уйда чўриман мен, қўлим – косов, сочим – супурги. Отасини бокиб қийналганим етмагандай, энди болаларини ҳам боқайми? «Ўладиган касалнинг ўлгани яхши, қоладиганнинг тингани», деганлар. Шу дардисар ўлмади, мен кутулмадим. Ранг кўр, ҳол сўр. Вой, қанақасига тузук бўларди? Ётибди, ана, кўтартанг бўлиб, ётмай ўлгур. Бир ойга етмай ўлади бу чиллашур, узокқа бормайди.

У ичкарига кирганида, келиннинг ич-ичига ботган кўзларидан окқан шашқатор ёш ранги қочган юзини юварди.

– Янга, болаларим сизга омонат, бувисини кўриб турибсиз, – мажолсиз пицирлади у.

– Кўйинг-э, унақа совуқ нафас қилманг, ҳали болаларингизга тўй қиласиз...

– Йўқ, янга, ҳаммасини сезиб турибман, бу ёғи оз қолди. Лекин бир нарса юрагимни рижимлаб ташлаяпти, тўғриси, чидамай кетяпман. Нега менинг ёшгина жоним ажалга рўбарў келиб турибди-ю, анави имонсиз кампир шу ёшида ҳам тетик? Овози ўқдек, бадан-баданимни тешиб юборяпти. Ёки ёмонга ўлим йўқмикан?! Бирорга ўлим тиляшга худодан кўрқаман, янга, лекин ўзимга умр тилаб айтаман: жилла курса, шу дажжолдан тўрт кунгина кейин ўлсам эди.

– Яна ўша гапми, Насибаҳон? Ҳали кўрмагандек бўлиб кетасиз. Ҳамма касал бўлганлар ўлаверса, одам қолармиди бу дунёда?

– Кайдам...

Келиннинг олдида анча ўтириб кўнглини кўтартган янга паришонгина уйига чиқди. Бир неча кун

ўзига келолмай юрди. Кейинги кунлардаги воқеалар эса уни тамоман эсанкиратиб қўяёзди. Э воҳ, бунисига нима дейсиз энди: лабларини тишлайди, бошини тебратади, «тавба-ей» деб ёқасига туфлайди. Бемор келиннинг аҳволи қайнонасииники олдида ҳолва бўлиб қолди. Бирданига дардга чалинган Моҳира хола бир ҳафтадан кўпроқ хириллаб ётди. Овози шунаقا ўткир, шунаقا беўхшовки, гўё каттакон бир ҳўқиз чала бўғизланган-у, туриб кетгандек, кўчанинг бошигача эшитилади, ётган хонасининг у бошидан-бу бошига тинимсиз думалайди. Охирги кунлари тили шишиб оғзига сифмай қолди, оғзи-бурнидан, ҳатто қулоқларидан йиринг оқа бошлади...

Бегуноҳ, ноўрин зулм чеккан келиннинг оҳи худога етган экан, қайнонасиининг ўлимидан тўрт кун ўтиб омонатини топширди. Сўнгти нафасида юзида қотиб қолган ним табассумни кўрган ювғувчи хотиннинг «борадиган манзилини кўрганга ўхшайди...» дегани янганинг кўнглига таскин берди.

Ҳа, Насибахон жаннати эди. Товушсиз келди-ю, товушсиз кетди: на эрига, на қайнонасиiga тик қаради. Янганинг эса ҳар бир сўзини ҳикмат билиб қулоғига сирға қилди. Унинг бир мартаина айтган «Йўғ-э...» деган гапи эса Каромат янганинг меҳрини ўн чандон оширган.

Ўша куни товук сўйиб шўрва қилишганди.

- Шуларни қўшнининг итига берилса бўларкан, – деди янга тўпланиб қолган суякларга қараб.
- Итнинг рўпарасига бориш яхшимас-у, эгасини чақириб бериб қўйганингизда...

- Йўғ-э, уяламан, янга, буларни қандоқ олиб чиқиб бераман?

- Бунинг нимаси уят, келин?

- Шу кунларда қўшниларимиз сал камчиқимроқ бўлиб қолишиган. «Овқатга ойлаб гўшт сололмайман», – деб ўкинган эдилар. Мен буларни опчиқсам...

Каромат янга ҳамма ғапга тушунди.

— Құяверинг, келин, Собирали орқа девордан ташлаб құя қолади. Бирор билмайдиям, құрмайдиям. Жониворнинг үзи ризқини топволади.

Тавба, келиним ҳам бувимга ўхшаркан деб үйлади янга дастурхондаги нонни ўраб устига сочиқ ёпаркан. Очарчиллик йилларида онаси ноннинг хиди атрофга ёйилса, уйида нони йўқларнинг кўнгли бузилади деб, тунда хамир қориб нон ёпарди. Тонг отгач, қийналиб қолган кўни-қўшниларга оз-оздан улашар эди.

Отаси жуда художўй, ҳар ишнинг кўзини биладиган, ҳам дурадгор, ҳам дехқон бўлгани боис, тўкис яшардилар. У киши доим: «Пешинга сира қуюқ овқат қилманглар. Саккиз кишилик қуюқ овқатга кетган масалликқа йигирма кишилик суюқ овқат пишади. Ҳали бу кунлар ўтади, яхшилик қолади», – деб тайинларди. Ҳар куни катта қозонда овқат пишириб қўйилар, эшикдан кирганки бор, олдига бир коса овқатни келтириб сўнг ҳол сўраларди.

Ота-онасидан ибрат олган Каромат үзи ҳам катта бир оиласи ўлимдан асраб қолганди ўшанда. Эрталаб далага кетатуриб онаси тугиб берган нонни кўчалари этагида яшайдиган, очликдан силласи қуриган дугонасига олиб бориб берарди. Шу биттагина нонни бир тишлам, бир тишламдан килиб бутун оила эртасигача жон саклашар, эртасига жон бахш этувчи фаришта яна уларнинг уйига бирров кириб кетарди. Үзи эса кун бўйи бир-иккита туршак ёки олма қоки шимиб юрар, тўқ оиласи ўсгани учунми, нафси жуда тийик эди. Кун бўйи ишласа ҳам сира нолимас, бемор дугонасига нон олиб бориши кераклигини ўйлаб тезроқ тонг отса эди деб юраги ҳаприкиб қоларди...

\* \* \*

– Буви, шу ердамисиз? – остоңада Собиралининг түнгич қизи Карима кўринди.

– Кел, болам, кела қол. Нега остоңада турибсан? – янга ўрнидан туришга шайланди. Карима эса чопиб келиб унинг елкасидан босди.

– Турманг, буви, нега қўзғоласиз? Мана, ўзим келдим, турманг, меҳмонмидим мен?

– Унақа дема, қизим, меҳмонсан-да. Насибамдан қолган ёдгорим, бўйларингдан ўзим ўргилай сени, ҳали тетикман.

«Худди онасининг ўзи-я, – деб ўйлади янга на-бирасини бағрига босиб кўришаркан. – Ишқилиб, умри ўхшамасин».

Карима бувисининг ёнгинасига ўтирди, унинг елкалариға юзини ишқаб-ишқаб эркаланди. Янга уни дуо қилиб юзига фотиха тортди-да, хонтахтанинг устидаги сочиқни кўтарди. Дастурхон одмигина: устига қалпокча кийдирилган чойнак, тўнтирилган пиёла ва юмшоқ нон, хушбўй, хуштаъм кўксомса. Токчадан уни-буни олиб дастурхон тузай бошлиган бувисига Карима қаршилик кўрсатди:

– Кўйинг шуларни, буви, нима қиласиз овора бўлиб? Мен шунчаки бир хабар олай деб киргандим.

– Овораси бор эканми, жон қизим? Шу тайёр нарсаларни олишга ҳам ярамайманми? Бувим раҳматли: «Хеч нарса бўлмаса, дастурхон қоворини солиб турганга ўхшайди, қанд-курс, мева-чева қўйсанг, чиройи очилади», – дер эдилар. Қара, мана энди дастурхонимизнинг чехрасига нур кирди-я!

– Бўлди, бўлди, буви, дастурхонингиз чехраси очилиш тугул кулиб юборди.

– Буви, овқатингизни шу ерга олиб келайми ё сўрига жой қилайми? – деб сўради ташқаридан туриб Зилола. У эшикдан мўралади-ю, меҳмонга

кўзи тушиб шоша-пиша салом берди. «Укаларимни олиб келмабсиз-да, маза қилиб ўйнаб кетишарди», – деб Каримадан ўпкалаган бўлди, кейин бувисига «нима қилай» деган маънода қаради.

– Шу ерга олиб кела қол, укангни чақир, ўзларинг ҳам овқатланиб олинглар.

Карима, бувисининг ҳай-ҳайлашига қарамай, Зилола билан бошлашиб чиқиб кетди. Бир оздан сўнг жилмайганча икки коса овқатни кўтариб кириб келди.

– Бу Зилолаҳон бирам эпчил қиз бўлибди-я, буви.

– Умринг узун бўлгур, жуда бошқача-да, қачон мактабдан келиб, қачон овқатни пишириб улгурганига ҳайрон қоламан. Овоз чиқармай иш қиласи, барака топсин. – Қани, ол-чи, болам, чойга қара, нондан тишла. Энди ўзингдан гапир, яхши ўтирибсанми? Янги рўзгор дегандай, қийналмаяпсанми, қизим? Уй ичларинг билан тинчмисизлар? «Мўминтой»ларинг ҳам яхши юришибдими?

– Ўтирибмиз, буви, бирордан кам, бирордан ортиқ, ишқилиб, ризқимизга яраша.

– Оз бўлиб кифоя қилиб тургани кўп бўлиб йўлдан урганидан яхши дейилган. Аёл киши сабрли, андешали бўлса, оиласа файз кираверади. Сендай пайтимда қўшни кампирлар менга жуда ачинишарди.

– Вой, сизга нима учун ачинишади?

– Бобонг «давлат иши шу экан» деб икки-уч кунлаб уйга келмас эдилар. «Дехқонга бутун хотин, шопирга текин хотин, амалдорга эсиз хотин», – деб мени жуда куйдиришарди, эсиз хотин ҳам, бутун хотин ҳам бир кун келиб қарийди. Иймон бутун бўлсин, иймон. Ол, болам, у-буларни куйна<sup>1</sup> қилиб ўтиришарди, – янга унинг олдига қанд, майиз, сарёғ

<sup>1</sup> Куйна – эрмак.

кабиларни суринг қўяркан сўради: – Ўғилчаларинг кўринишмайди, қаерда қолишид?

– Улар билан бир жойга бориб бўлмайди, буви, жуда шўх бўлишган. Боғчаси тинчитмаса, эплаш кийин.

– Майли-да, боланинг шўх бўлгани унинг ақли бутунлигидан, соғ ва кучли эканидан. Агар камқувват ёки тани носоғ бўлса, қандай шўхлик қиласди? Бир чеккада ўтиради шумшайиб. Унақасидан худо арасин, шукр кил, қизим.

– Шукр, беадад шукр, лекин жуда ошировори шади-да... Кеча бир кексароқ қўшнимиз: «Қизим, эҳтиёт бўлинг, арикларинг катта, сув тез оқади...»

– деб қолди. Уларни кўрқитаман деб «арик ёнида ўйнаманлар, сувда ка-а-а-тта илон бор. Яқинлашсаларинг еб қўяди», – десам, иккови ҳам югуриб қолди-ку. «Катта илонни мен тутаман, йўқ сен эмас, мен тутаман!» – деб талашяпти шумтакалар. Қани энди ариқнинг ёнидан жилдириб бўлса!

– Вой боласи тушмагулар-эй, – деди буви жилмайиб. – Майли, қизим, нима бўлганда ҳам, қаттиқ-қуруқ гапирма. Бу қоракўзларга етгунча озмунча қийналдингми, дўжтирма-дўхтири юрганларинг эсингдами? Худога оҳу зоримиз етиб бориб: «Ол, қулим», – деб юборди-я, ўзига шукр, Яратганга шукр. Илоё, ўнг кўзи билан берган бўлсин. Энди секин-секин меҳнатга эгиб боравер. Дастурхонга пиёлани олиб келишга яраб қолдими, болани ишга эгиб боравериш керак.

– Вой, буларингиз иш қиласиди, нуқул иш орттиради, холос. Тунов куни куёвингизнинг бир ўртоқлари мотоциклини миниб келувди. Биз меҳмон билан овора бўлаверибмиз, иккови қўл билан бўшатса бўладиган ҳамма болътларини суғуриб ариқка ташлайверибди. Яхши, феъли кенггина киши экан, устага кўрсатиб оларман деб судраб кетди...

– Умринг узок бўлгурлар, ҳали бир йигитлар бўлишсин, юрганда кўчалар тўлиб турадиган.

– Вой бувижоним-эй, ўзингиз айтардингиз-ку: «Чумчук семириб ботмон бўлмайди, теша ўсиб кетмон бўлмайди», – деб. Ота-онасидан ўтиб қаёкка борарди? Майли, ишқилиб, соғ бўлишсин.

– Сен дуони канда қилма, болам, дуода хосият кўп. Кун келиб бу қийинчилигу йўқчиликларинг унут бўлиб кетади ҳали.

– Шунақаку-я, аммо етдим деганда оғзинг куяверса, бу дунёнинг ишларидан ҳам безиб кетаркансан киши. Энди, буви, камбагал топган тухумнинг сарифи бўлмасакан. Устига-устак, қудаларингиз кузга бориб тўй қиласиз дейишяпти... Баъзида шуларни ўйлаб ҳам сиқилиб қоламан.

– Вой, эси йўқ, нега сиқиласан? Тўйга етказсин ҳаммамизни. Иккала ўғлингга зар чопон буюртириб кўйганман. Кейинги гал уларни ҳам олиб кел, кийдириб кўрамиз.

Карима хижолат тўла нигоҳларини бувисининг кўзларига қадади. У, аслида, ҳеч қачон бирорнинг кўзига тик қарамаган: онаси, кейинроқ бувиси берган тарбия бунга йўл кўймасди. Унга уқтиришларича, агар қиз бола кўча-кўйда аланг-жаланг қилиб юрса-ю, нигоҳи эркак кишиларнинг нигоҳи билан тўқнашиб қолса, уларнинг кўзидаги кўринмас шайтон бир сакраб қизнинг кўзига ўтиб олармиш. Кейин бутун вужудига жойлашиб олиб; ўз йўлига юргизармиш. «Нигоҳини ерга қадаб юрган қизларда ҳаё кучли бўлади, ҳаё иймондандир. Иймон эса жаннатга элтади», – деган гапни бувисидан жуда кўп эшифтган.

Хозир бувисига термиларкан, Карима лол эди. «Бу аёл ким-а? Ахир, эридан қолган дараҳтларни аёвсиз ер билан битта қилаётган анави одам менинг дадам, ҳар ишидан қийиқ ахтариб кунда-кунора тинчини бузиб турган аёл менинг онам

бўлса... Отангни бокиб нима хузур кўрдим-у, сен нима қилиб берардинг демайди-я...»

Карима бувиси тимсолида гўё одам бўйи меҳрни кўргандек бўлди. Мехр бўлганда ҳам ўзини-да, ўзгаларни-да нурлантирадиган, нурлантиргани сари нурланадиган улкан меҳр эди бувиси.

— Буви, отамдан дилингиз оғримасин, жон буви,— деди-ю, хўрлиги келиб йиглаб юборди. — Бир ёқда онамнинг доти, бир ёқда укамники. Уларга ҳам осонмас. Анави жодугари: «Касал хотиндан ўсал бола бино бўлади», — деб оғиз очиргани қўймайди. Салимжоннинг ўлемида ҳам онам бечорани айблаб дадамнинг юрагини қон қилиб юборади.

— «Анави» дейсан, «жодугар» дейсан, бу нимаси, қизим, ахир, ҳар нима бўлганда ҳам онанг, — деди-ю, янганинг ҳам овозига титроқ кириб, лаблари пирпиради. Кариманинг қўзига карай олмаслигини билиб, таҳорат баҳона ташқарига чиқиб кетди.

«Вой, иймонсиз-эй, ўз айбингни ўзгага, яна ўланга ағдаришга кўрксанг-чи. Ҳали келиннинг тупроғи совумай, бир бола қўлида, бири қорнида кириб келганидаёқ маълум эди ўзи. Худодан кўркмаган бандасидан кўрқармиди?!»

\* \* \*

Насибаҳон оғир ётган кунлари кўни-кўшнилар орасида гап-сўз оралаб қолди. Янга уларга эътибор бермади, бекорчиларнинг майда-чуйда гапига йўйиб қўя қолди. Анавининг тезда пайдо бўлиши ҳам, этагида боласи борлиги ҳам уни шубҳага солмаганди. «Собирали бўй йигитмидики киз танласа, қайтага боласи бори яхши, фактат сеники-меники деб ажратмаса бўлди», — деганди.

Кундан-кун, ойдан-ой ўтиб болаларнинг қош-күзи, юриш-туриши барча сирни фош қилди-кўйди. Каромат янганинг тилига «тавба»дан бошқа калима келмади.

Бир куни Салимжон бўйидан баланд кетмонни кўтариб чиқиб келди.

– Деворни бузаман, буви, – деди у йифламсираб.

– Нега бузасан, жон болам? – деди янга уни ёнига ўтқазиб, бош-кўзини силаркан.

– Бузаман дедимми, бузаман.

– Сенга нима бўлди-а, кўзичофим, девор сенга нима қилди?

– Билмасам, буви, негадир девор кўзимга жуда хунук кўринаверади, – дея ҳиқилларди у, бувисининг эркалашилари бир оз ҳовуридан туширган бўлса ҳам. – Шу бўлмаса, ҳовлида юрганимда ҳам сизни кўриб тураман. Дадам ҳам кўп афсус чекадилар. «Девор курилди, ўртадан меҳр кўтарилиди», – дейдилар.

– Кўйсанг-чи, ўғлим, меҳрни тўсадиган девор ҳовлида бўлмайди, бошқа жойда бўлади.

– Каерда? – сўради Салимжон бувисининг кўзларига шошиб қааркан.

– Юракда, болам, юракда. Агар инсон юраги Аллохга муҳаббат билан лиммо-лим тўлган бўлса, унда девор учун жой қолмайди.

– Тўғри-ку, лекин барибир шу деворни ёмон кўраман. Уни бузгим келаверади.

– Майли, болам, сен бир оз катта бўл, ўшанда кучга тўласан. Кейин бир гап бўлар.

Лекин Салимжон на катта бўлиб, на кучга тўлиб улгурди. Кундан-кун озиб, ранги сарғайиб бораверди. Бир неча кун ётиб қолди-ю, беозоргина, бешарпагина омонатини топширди. Унинг бошига отинойи, Каромат янга ва бир қўшни аёл киришди. Отинойи қибла томонга қараб ўтирганча тиловат бошлади, аёллар жим қулок солиб

ўтиришарди. Шу пайт қўшни аёл қўркув араш:

– Вой шўрим, манави нима? – деб юборди. У бир қўлида ёқасини чангаллаб олган, қўзлари ола-кула бўлиб иккинчи қўли билан боланинг бошини кўрсатиб турарди. Ҳамма боланинг бошига йифиди, Салимжоннинг бош териси лопиллаб, нимадир кўтарилиб-пастларди. Отинойи қўлини олиб бориб ўша ерни силаган эди... занглаб кетган игна отилиб чикди. Аёллар бир игнага, бир касалининг тайини чиқмай қундан-кун сўлиб адо бўлган йигитчага қараб лабларини тишлашди. Бир сўз демай отинойига қарадилар. Гап нимадалигини ҳамма англаған, икки ўғиљи ўрмалатиб олган ўтгай онага бу беозор гўдакнинг ортиқчалик қилгани шу фожиага сабаб бўлганди.

Каромат янга Салимжоннинг энди тинчиб қолган бошини силаб-сийпаб қон йиғларди. Кўзларини ёш боладек жовдиратиб бир отинойига, бир қўшнига қарап, тинмай:

– Вой бола-а-а-м,вой шўрлик бола-а-ам! Бувинг ўлсин, бола-а-м. Қийналибсан-ку, ёмон қийналибсан-ку, болажоним. Сени шу кўйга согланларнинг худо жазосини берсин, – деб уввос тортар, кўзларидан дувиллаб ёш оқарди.

– Бу дунёда қилинган ҳар бир иш учун ажр бор. Яратгангагина аён бўлган бу ҳодисага унинг изни билан биз ҳам шоҳид бўлиб қолдик. Энди ақл билан иш қилмасак бўлмас. Агар гуноҳкорни ошкор қилиб, болани тирилтириб олишнинг имкони бўлганда, ўзим бу имонсизнинг жазосини берардим. Лекин ўлган ўлди, энди қолганларни ўйлаш керакми дейман-да. Нима қилса ҳам, бу нонкўрнинг иккита гўдаги бор. Собиралини ҳам оқ ювиб, оқ тараб ўтирибди, нима дейсизлар?

– Нимаям дердик, отиной? – деди қўшни аёл. – Ёмондан ҳазар лозим, билиб-билмай биз гапирсак,

у ярамас тинч турармиди? Дарров айбини бирорга оширади. Бир томонда Кариманинг ҳам бўйи чўзилиб қолган. Ҳамма айбни унга тўнкашдан ҳам тоймас... Ўзини четга олиб қизнинг номини булғаб кўйса, нима қиласиз?

— Собиралига ҳам осон тутиб бўлмайди, шунча фам, шунча ташвиш... Кўтаролмаслиги мумкин. Менинг гапимга кирсаларинг, ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қола қолсин-а, Кароматхон, нима дейсиз?

Янганинг тилига гап қайдан келсин, у факат йигларди.

— Мен келинимга ваъда бергандим, у Карима билан Салимжонни менга омонат деб топширганди. Энди унга нима дейман? Қиёмат куни Насибагинамнинг юзига қандоқ қарайман?.. Вой беозорим болам, сен ўлгунча бувинг ўлса бўлмасмиди?!

— Шу гап шу уйда кўмилсин, — деди отинойи паст, лекин қатъий оҳангда. — Қани, омин, ким уни кўчага олиб чиқса, худо жазосини берсин, Аллоҳу акбар.

Сир сирлигича қолди.

Собирали аввалига роса кўйди. Вақт ўтгач ўғилчалари кўзга кўриниб, улар билан овуниб кетди. Бироқ Каромат янга: «Сизни кўрсам, ичимга қуёш кириб олгандай бўлади, буви», — деб эркаланадиган Салимжонни хеч унотолмади. Уни ўйлагани, соғингани сари янги келинни ёмон кўриб кетаверди, келинни қайта ёқтиrolмади. У пиширган овқатни емайди, сўрашганда қўли кўлига тегиб кетишидан, ҳатто кийими кийимига тегиб кетишидан сақланади. Ноилож қурукқина сўрашади. Кундоши билан янганинг жуда иноқ яшашганини, она-боладан зиёда бир-бирларига меҳрибон бўлганларини ён-атрофдан эшитган келин ер тепинади, аламига чидай олмайди, аммо эрига шикоят қилишдан нарига ўтолмайди, янгага рўпара келиб бир сўз дейишга эса юраги дов бермайди.

Кизифи, ҳеч кимга улаша олмаган, улашиш тугул ўзида зарраси ҳам бўлмаган меҳрни ўзгалардан олсам дейди, экмай туриб ейман дейди.

\* \* \*

Каромат янга уйга кириб келганда, Карима дастурхонни йиғиштириб олган, уйни обдан тозалашга тушиб кетганди.

– Оббо, қизим-эй, ўзингни уринтирмасанг-чи. Кеча Роҳат амманг йиғиштириб тозалаб берганди. Ҳадеб ким ифлос қиласкерарди? Ўтириб бирпас нафасингни ростласанг бўлмайдими?

– Мен турганда, аммам нега тозалайдилар, ўзи шундоғам ишлари етарли, бир ёқда уй иши, бир ёқда давлат иши. Поччамнинг феъли ҳам ўзларига ярашадир?

– Энди, болам, олим одам, бир нарса деб бўлмайди. «Алланарса ёқладилар, шунга ош қилиб дўст-биродарларини айттирамиз», – деб юришибди.

– Диссертация ёқладилар, буви, куёвингиз чакана одам эмас, фан номзоди, қишлоқда битта.

– Майли, болам, илоё, ёмон кўздан асрасин, сенинг болаларинг ҳам олим бўлсин. Кўя қол, болам, шу ишингни...

– Буви, сиз ҳовлидаги сўрида бир оз ёнбошлаб туринг, бир зумда бўламан, – бувисига ялингансимон қулиб қаради-да, қўшиб қўйди: – Мени биласиз-ку, йўқ дейишингизга кўймайман.

Каромат янга энди унга гап уктириб бўлмаслигини билиб ҳовлига чиқди.

Ҳали пешин намозини ўқишига вақт зрта. Сўрида ҳовлига разм солиб ўтирган янгани яна хаёл олиб қочди.

Бу ҳовлига кимлар келиб, кимлар кетмади дейсиз? Баҳорда марварид тут пишиши билан, оломон бозор бошланарди. Бола-чақа дейсизми,

хотин-халажми, барча ўз уйидай кириб-чиқаверарди. Аввалига тутхурлик, кейин гиолос, олма, шафтоли... борингки, қишда ҳам қўшниларнинг бири кириб, бири чиқарди. Ҳозир эса бошқача: ҳамма ўзи билан ўзи овора. Бироннинг бирор билан иши йўқ. Тут эса ҳамон ўша-ўша: сершоҳ, кўркам, серҳосил... Раҳимберди aka Шамолсойдан олиб келиб улама қилган. Меваси шу қадар ширалики, ҳатто қуритиб қаланқат қилиб бўлмайди, лекин шинниси кони фойда. Энг яхши томони, жуда эрта пишади. Апрелдан ёзинг ўрталариғача марварид донасидаёт ялтироқ йирик-йирик мева бераверади, одамларни ҳам, қушларни ҳам сийлайверади, саховати офтоб монанд. У пайтлардаги одамлар ҳам бошқача эди-да. Унинг меҳмондўстлигига яраша эри ҳам кенгфеългина, қўлидан келмаган юмуш йўқ эди хисоб. Кўчанинг иши билан бирга ҳовли-жойга қарашни ҳам уддаларди. Даражатларга, айниқса, жуда эътиборли эди. Шафтотининг ўзидан ўн тупни экиб кўярди: эртапишар, ёзги, кузги, кечпишар... Бири иккинчисига уланиб пишиб ётарди. Чоли тушмагурнинг ҳунари кўп эди: бир туп гиолосга беш хил улама қилибди. Ана кўринг томошани: бир томонда қора гиолос, бир томонда сариқ олчамбар, бир томонда қизил; бири йирик, бири майда.

Кўчада бир туп қари садақайрағоч бўларди. Танасининг юқори қисмида, шохлари панасида, унча кўзга ташланмайдиган ковак бор экан. Бир куни ҳеч ким йўғида ковакка тупроқ тўлдириб, қиёгул экиб кўйибди. Орадан анча вакт ўтиб кўчада ғала-ғовур бошланиб қолди. Каромат янга эшиқдан мўраласа, ҳамма садақайрағоч атрофифа тўпланиб турибди. Оёғида чолининг эски калиши эканини ҳам унутиб секин уларга яқинлашди. Караса, йўғон-йўғон шохлар орасида... сафсар гуллар очилиб турибди. Баъзилари шабодага юзи-

ни тутиб, очилган лабларини пирпиратиб одамларни мазах қисса, баъзилари ўзларининг бу қадар юқори жойлашиб қолгандаридан ҳайрон: бир ерга, бир кўкка боқади. У ёқда гулларнинг оғзи очилган, бу ёқда одамларнинг. Мазкур ажабтовор томошанинг эгаси эса бу пайт сўриток устида ток тараш билан банд эди.

Кўчадаги можаролар анча чўзилгани, энг муҳими, бу томошани ўзи яратганини бирор фаҳмла маётганидан тоқати тоқ бўлган Раҳимберди ака девор оша одамларга бир-икки қараб қўйди. Ҳеч кимнинг қаҳрамонга эътибор бермаётгани у кишига бир оз алам қилдиёв, овозини баралла қўйиб хотинини чақирди:

– Онаси, ковакда ўсган гулга шунча эътибор-у ўстирганга эса қарап йўқ экан-да! Келиб анави ипни узат, анқайганинг етар.

Ҳамма сўритокнинг устидаги Раҳимберди ака-га ўгирилиб қаради, бирданига гурра кулги кўта-рилди.

– Э-э, ака, бўлар-бўлмас ихтиро қилаверадими, киши? Ундан кўра ток тарайдиган аппарат яратинг.

– Ток тарайдигани йилда бир марта ишлайди, яхшиси, хомток қиласиганини ярата қолинг. Йил бўйи асқотади, – дея луқма ташлайди кимдир.

– Аппарат эмиш, нима қиласман уни? Токларим шундоғам хомток қилинмайдиган нав-ку!

– Ие-е, нима дейди бу?

– Йўғ-э, унакаси бўлмаса керагов, уста бува?

– Қайдам, кирайлик-чи, ҳар нарсани кутиш мумкин бу ялтирошдан.

Эркаклар дув этиб ҳовлига тўлишади. Яна асқия авж олади. Аёллар эса шу баҳона сумалак маслаҳатини қилишади. Ким буғдой тозалайди, ким ивитади, ким пиширади – бирпасда маслаҳат килиб тарқалишади.

Сумалак кўпинча отинойининг уйида бўларди.

Негаки маҳалланинг тўй-ҳашамда ишлатадиган қозон-ӯчоги, идиш-товоғи шу ерда сақланарди. Отинои саринита, доно аёл эди. Қозон атрофида ҳам турли ривоятлар айтиб берар, ҳамма киприк қокмай эшитарди. Болаларнинг қўлида аткас<sup>2</sup> дарахтидан ясалган бири-биридан ажойиб ёғоч қошиқ. Ўғил болалар қошикларни ўзлари ясашар, оналари, сингилларига ҳам ясад беришарди. Сумалак тугаши билан, қошиқлар ҳам қайгадир йўқолар, янги сумалакка тайёргарлик бошланиши билан яна ўғил болалар қошиқ ясар, қизлар тош теришарди.

Сумалак дармон дейишарди.

Сумалакни байрам қилишарди. У факат дардларга шифо эмасди-да, у қалбларга ҳам малҳам эди. Сумалак одамларнинг қалвидаги фуборларни ҳам кетказиб, маҳаллани яқдил қилиб тургани, у туфайли болалар ҳам оға-инидек, опа-сингиллардек инок улғайишгани ҳақида кейинги пайтда Каромат янга кўп ўйладиган бўлиб қолди. Ҳеч ким: «Бу бироннинг боласи бўлса, менга нима?» – демасди. Ўзи ҳам маҳалла қизларига уни-буни ўргатишни яхши кўрарди. Кариманинг дугоналари аксар Каромат янганинг ҳовлисида ўйнашарди. Баъзан жанжалга айланиб кетадиган ўйинларига янгани қозиликка чақирганларини ҳамон эслайди.

...Қизлар аввалига муроса билан аргимчоқ учшаётганди. Кўп ўтмай ўйиндан ўқ чиқиб, жанжал бошланди. Фала-ғовур тинавермагач, янга учала кизни ёнига чақирди.

– Ким яхши сакраганини билмоқчимисизлар? Мабодо жанжал чиқса, айтаман деб ҳаммасини кўриб ўтиргандим. Игнага ип ўтказаман деб чалғибман-да, энг охирини кўролмай қолдим. Энди аргимчоқдан бошқачароқ беллашув қилсак нима дейсизлар?

<sup>2</sup> Аткас – акация.

– Қанақа беллашув, буви? – чувиллашди қизлар.

– Учовингга учта хонани бераман. Ким тез, ким чиройли йифишириаркин. Ютганга совғам бор, Роҳат опаларинг шаҳардан китоб келтириб беради, ё бўлмайдими?

– Бўлади, буви, бўлади.

Кизлар ишга киришиб кетишгач, ҳовли анча тинчид қолди. Бирин-кетин ишни тугатган қизлар бувилари билан бирга ҳамма хонани бирма-бир кўздан кечиришди. Аввал Карима тозалаган хонага киришди. Хона тозалаб супурилган, лекин токчаларига эътибор берилмабди. Кейинги қиз саранжомлаб йифиширган, лекин супуришда кўрпачаларнинг тагини унуган. Уларнинг каттароғи, учинчи қиз эса токчаларни ҳам, кўрпачаларнинг тагини ҳам кўздан кочирмаган.

– Кизларим, уй тозалаганда ишни шифтдаги исларни олишдан бошлиш керак. Ис босган уйдан файз-барака кўтарилади. Кейин токчаларини йифишириб, охирида ҳеч қаерда ахлат қолдирмай супуриб чиқасиз.

Шундан кейин Карима уч-тўрт кунда бир марта бувисининг уйини йифишириб, супуриб кўядиган бўлди...

Бу ҳол Раҳимберди акани жуда қувонтиради. «Шу қизгинамнинг кўнгли ўксиб қолмасин, дугоналарининг олдида бўйни эгилмасин», – дея уни-буни олиб берар, унамаганига кўймай чўнтағига пул солиб кўярди.

Рахматли жуда олижаноб инсон эди-да. Ҳеч кимдан ёрдамини аямасди, айниқса, илм излаганларни қадрларди. Кишлокдаги ўқимишли одам борки, барига меҳнати сингган эди. Лекин ўзи у қадар рўшнолик кўрмади. Давлат иши деб бор кучи, саломатлигидан айрилди, нафақага чиққандан анча сиқилиб қолди. Танишларидан

кимдир катта амалдор, яна кимдир пуддор, бу эса яримжон бўлиб чеккаланиб қолди.

– Онаси, тилла соат қайси қўлга тақилади, биласанми? – сўраб қолди бир кун.

– Қайдам...

– Билмасанг билиб ол, чап қўлга. Нима учун меҳнатни ўнг қўл қиласди-ю, иззатни чап қўл қўради? Чап қўлнинг қиласар иши имзосиз хат ёзиш бўлса, енгилтак аёллар ҳақида гапирилганда «чап оёғини босаркан» дейилса...

Каромат янга чолининг ўнг ва чап ҳақидаги фалсафасини жимгина, гапини бўлмай тингларди. Текинкулоқ топилганига тинай демасди чоли тушмагур.

– Уйга, меҳмонхонага, масжидга кираётганда аввал ўнг оёқ қўйиларкан.

– Дадам ҳам шунақа дердилар.

– Ҳа, балли. Буниям сабаби бор экан: агар одам чап оёғини қўяётганда йиқилса, орқага йиқилар экан, ўнг оёғини қўяётганда йиқилса, одинга йиқилар экан.

– Буни қаранг-а...

– Ош ейсанми, ўнг қўлда егин, хат ёзасанми, ўнг қўлда ёз, оёқ кийимининг аввал ўнгини кий, қарагин-а, онаси, ҳамма нарсага ўнг, ўнг деймиз, аммо тилла соатни чап қўлга тақамиз, нимага?

– Кўришга қулайдир-да...

– Нима, чап қўл елкада-ю, ўнг қўл белдамиди кўриш қийин бўлгани. Бу ерда бошқа гап бор. Ўйлаб қарасам, кимнинг чап, яъни тескари иши кўп бўлса, унинг ошиғи олчи, у нафс бандаси бўлиб ўзи истаганча дунё моли билан зийнатланаркан. Доимо тўғри бўлганлар эса бу дунё лаззатларидан бебаҳра бўлсалар-да, у дунёда лойик мукофот оларканлар.

– Қанака мукофот?

– Қайнотамнинг бир гаплари бўларди: «Ким

имон аталмиш шарафга лойик кўрилган бўлса, у жаннати бўлгай ва рўзи қиёматда номаи аъмоли ўнг қўлига берилгай», – дер эдилар. Ана сенга ўнг қўлнинг мукофоти. Ажабмас, Аллоҳ таоло менинг ҳам бу дунёдаги хайрли ишларимнинг ажру савобини охиратга асраб кўйган бўлса.

…Дарвоза очилиб, китоб-дафтарларини кўтариб Қодирали кириб келди, Каромат янганинг хаёли бўлинди.

– Ассалому алайкум, ойижон, зерикмай ўтирибсизми?

– Ваалайкум ассалом, чарчамай келяпсанми, болам?

– Карима келганми дейман, – деди у сўриток ёғочларига ташланган кўрпача-ёстиқларга ишора килиб.

– Ҳа, келди-ю, тозаловни бошлаб юборди. Кўй, десам, кўнмайди...

– Арз қиляпсизми, бувижон? Мана, уйингиз ойдек бут қолди, – ичкаридан чангта белангтан Карима жилмайганча чиқиб келиб акаси билан саломлашди.

– «Эговиддин»ларинг кўринишмайдими? – сўради Қодирали ҳовлига бирров назар ташларкан.

– Уларнинг боғчаси бор бўлсин...

– Эҳтиёт бўлавер. Болаларни ёшлигида эгиб олиш керак. Ҳозирги болаларга қаттиқ турмаса бўлмайдими дейман-да, ойи? Кўп ота-оналар пул топишнинг пайида, болалар ўз ҳолича...

– Тинчликми ўзи, жуда куйиниб қолдинг. Мактабингда бирор гап бўлдими?

– Кеча бир болага қаттиқ тегувдим, бобосини бошлаб келибди. Бир басавлат одам. «Боламни урганни нақ ейман» деган важоҳат билан келган экан. Ҳайтовур, бафуржа гаплашиб олдик. Дадамини, сизни яхши таниркан, дарров ҳовуридан тушди, салом айтди. «Нўймон ота сўради денг», – деди.

- Саломат бўлсинлар, Ҳосилот бува, қариб қолгандирлар?
- Ҳа, қариб қолганлар, лекин анча бардам кўринадилар.
- Бироннинг боласини нега урасан-а, ўғлим? Шу қилифинг бир кун бошингга ташвиш келтирмаса эди дейман-да.
- Темир ўғирлаган, ўзингиз биласиз, ўқувчилар тўплаган темирларни хонага қулфлаб сақлаб бўлмайди-ку, тўғрими, ҳовлида, коровулхонанинг ёнида турарди, тракторга ортишга осон, яланглик. Аввал темирларни топширишган, кейин қоровулнинг кўзини шамфалат қилиб мактаб орқасига олиб ўтиб қўйишган, сўнг яна топширишган, қарабсизки, режани бажариб туришибди-да. Директор: «Биринчи бўлиб режани бажарган синфга футбол тўпи олиб бераман», – деганди. Булар шунисига қизиқишган. Хуллас, қоровул темирларни таниб қолган, кейин мени чакиртириди, шунақа-шунақа ишлар бўлди деди. Каттами-кичикми, барибир, ўғирлик, шунга қаттиқ тегувдим. Лекин ўша отахонга қойил қодим. «Сиздан ёмонлик чиқмайди, ўғлим, чунки яхши одамларнинг авлодисиз. Ёмоннинг боласи яхшилик қиласа, кўп ҳам суюнмаслик керак, чунки бир кун келиб, барибир, аслига тортиб кетиши мумкин. Яхшининг боласи ёмонлик қиласа, куюнмаслик лозим. У ҳам аслига қайтади. «Турқи бузукдан кўркма, хулки бузукдан кўрк», – деганлар. Сизнинг бобонгиз ҳалол, бироннинг ҳақидан кўрқадиган авлиё одам эдилар», – дейди. Бобом ҳақларида ажойиб гапларни гапирди.

- Кандай гаплар, бизга ҳам айтинг, ака.
- Эшит бўлмаса. Жума кунларидан бирида у киши бобомни туман марказидаги бекатда учратиб қолибди. «Ҳа, мулла ака, нима қилиб туриб-

сиз?» – деса, «Бир шопирни кутиб турибман. Ўтган жума автобусида шу ергача келгандим, бир сўм берсам, майда йўқ деб пул олмаганди. Шу беш тийинни бериб қўяй деб пешиндан бери кутиб турибман. Асрни ўкишга мачитга бориб келдим, холос. Назаримда, намозга кетганимда, ўтиб кетибди-да», – дебдилар. «Автобуснинг номерини ёки шопирнинг отини билармидингиз?» – деса, «Йўқ, лекин кўрсам танийман – бошида шапкаси бор эди», – дермишлар бобом.

– Вой содда бобом-эй, – деди Карима мирикиб куларкан. – Шапкаси бор шопир қанча-ю...

– Ха, ажойиб парҳезли киши эдилар отам раҳматли, – овози салгина титраб гап бошлиди Ка-ромат янга. – Ҳатми Қуръондан тушган пулларни мачитга топшириб, «киптанса»сини йифиб юраддилар. Бирорлар белбокқа нон ўраб берса, йўл-йўлакай бева-бечораларга тарқатиб келардилар. Уялиб олмайман деган кишига: «Хўжа берса, олмайман дема, ёнингга сол, емасанг ема», – деб қўярдилар.

– Бобомни жуда дами ўткир мулла эди дейишиди. Шу ростми, ойи?

– Рост, болам. Отам тинимсиз ибодат қилгувчи эдилар, раҳматли. Бир куни ота-бала иккови-миз шолини обжувозга олиб бордик. Одам кўп, ит эгасини танимайди. Навбат бизга келай де-ганда жанжал чиқиб, биз яна орқароққа сурилиб қолдик. Дадам «астағфируллоҳ» дедилар-да, бир сиқим тупроққа пичирлаб дуо ўқиб уни сунга се-пиб юбордилар. Обжувоз такқа тўхтади. Одамлар бир-бирларига ажабланиб қарашди, айрим катта-роқлар дадам томонга имлаганди, ҳамма гап ни-мада эканини англади. Дарҳол шолимизни обжу-возга солишиди...

\*\*\*

Каромат янганинг айтганича бор эди. Мулла Жаъфарали одмигина, камсуқум, чин мусулмон киши бўлган. Мана шу «айб»лари учун шўро хукумати томонидан йигирма беш йил озодикдан маҳрум қилинганди.

Нотинч замонлар. У пайтда имон ҳакида, ислом ва зътиқод ҳакида гапириш мумкин эмасди. Замоннинг қалтислигини сезган мулла Жаъфарали доим эҳтиёткорлик билан иш кўрар, намоз ўқиётганда деразаларга қават-қават парда тутиб қўярди. Энг нодир, камёб китобларни уй ичидағи чуқур-чуқур токчаларга жойлаштириб, устини ўраб ташлаб, кейин сувоқ қилиб юборганди. Шунда ҳам ярамас исковучлардан бири кечалари девор ошиб ҳовлига кириб у кишини ибодат қилаётган пайтларида «кўлга туширди». Отасини олиб кетишгач, уй-жой, мол-мулк қатори яширишга улгурилмаган китоблар ҳам мусодара қилинди. Уларни нима кўйга солишгани ҳанузгача янганинг эсида: аввал кўчага олиб чиқиб ташлашди. Кейин ўт ёқишиди. Олов тезлашиб улгурмай, бир отлик ўқдай учиб келди-ю, ерга сакраб тушиб бақира кетди:

– Ўчирларинг, ўчирларинг ўтни! – бақириб-чақириб жоҳилларни инсофга чақираётган бу киши хосилот Нўъмон ака эди. – Нега ёқасанлар? Мақсад шуларни йўқ қилишми? Ана, дарёга оқизларинг, кулини ҳам қолдирмай оқизиб юбор, менга деса!..

Бу одамнинг ҳайбатидан чўчилиларми ё инсофга келдиларми, ҳайтовур, китобларни ҳам, кулини ҳам дарёга оқизишиди.

Улар кеттач, Нўъмон ака атрофдагиларнинг алами нигоҳларига тик қараёлмай шундай деганди:

– Халойик, мени жоҳилликда айблашга шопшилманг. Китоблар дарёга ташланса, муқаддас ёзувларини сув ювиб оқадими? Сизу бизга ўхша-

ганлар уни юз-кўзларига суртиб ювинадиларми? Кули оёқ остида хор бўлмай шу сувга кўшиладими ё мен нотўғри иш қилдимми, яхшилар?

– Йўғ-э, Ҳосилот бува, гапларингиз маънили, тўғри қиалдингиз.

Нўймон ака бутун оилани ўз ҳовлисига кўчириб олиб кетди. Барваста қоматли, қалин қора қошли, кўзлари чақнаб турадиган, қиррабурун бу одам етимпарварлиги, камбағалпарварлиги билан ном чиқарганди. Таланганд рўзгорни қайта тиклади, оталари келгунча, болаларни ёлғизлатмади.

Ҳайтовур, мулла Жаъфарали тезда оқланди. Бир ярим йил чамаси қамоқда ўтиргач, тўсатдан уни озодликка чиқаришди. Ўша саодатли кунларнинг бирида жажжи Каромат отасининг пинжига суқилиб, танчада ўтириб сухбатлашаётган икки қадрдонининг гапларига қулоқ тутди. Отасининг шивирлабгина айтган гаплари ҳамон ёдида.

...Уни қаторасига ичма-ич қилиб курилган еттинчи хонага олиб кириб қамашибди. Отаси ибодатни сира канда қилмабди. Ҳар гал таҳорат ниятида ўринларидан туришлари билан, эшикларнинг қулфи шарақлаб очилиб кетар, соқчилар турган ерида тош қотарканлар. Ташқарига чиқиб таҳорат олиб кирганинида эса, эшиклар ўз-ўзидан ёпилиб, қуалфланар, соқчилар ҳам яна ўз ҳолига қайтишаркан. Деярли ҳар куни навбатчи соқчилардан бир нечтаси қамоқхона бошлиғининг олдига бориб воқеани арз қилас ва бошқа ишга жўнатишларини ёлвориб сўрашаркан. Бошлиқ эса кимгадир «хўп» деб, кимгадир дўқ қилиб юраверибди. Бир куни даҳшатли сел келаётгани ҳақида хабар тарқалибди. Соқчиларнинг каттаси қамоқхона бошлиғининг олдига бориб:

– Шу мулланинг жуда дами ўткир, агар сиз айтсангиз, дуо қилиб худодан сўраб селни тўхтатади, – дебди.

– Нималар деяпсан? – энсаси қотибди бошлиқнинг. – Селни тұхтатиш кимнинг ҳам құлидан келарди?

– Унга айтиб күрайлик, ўртоқ началник, – зорланибди катта соқчи вазият тобора жиддийлаша бошлагач. – Хар иш худодан дейишади. Мабодо мулладан бирор иш чиқмаса ҳам, ҳеч нарса йүқтамаймиз-ку...

– Майли, – ночор рози бўлибди бошлиқ. – Чакиринглар.

Мулла Жаъфаралига озодлик ваъда қилиб, сел келаетган томонни кўрсатишибди. У ялангликда ўтирганча намоз ўқиб дуо қилиш билан банд бўлибди. Вахимали сув тошқини беш-ўн метр қолганда тұхтаб, баланд бир шийпон кўринишида у кишининг боши томонида музга айланибди. Дуодан бир зум бўлса-да тўхтамабдилар. Анча пайт ўтиб муз қарсилаб синиб, сув ўз йўлига – дарё томонга сурилибди.

«Ё қудратингдан, худойим», «Ё қудратингдан, яратган эгам», «Астағфируллоҳ, астағфируллоҳ», – деб ўтирган Нўймон ака отасининг қўлларини олиб, юз-кўзларига суртиб, нуқул бир гапни такорларди:

– Касд қилганлар паст бўлди-ку, мулла ака, илоё, кўрган-боққанингиз шу бўлсин. Болаларингизга ўзингиз эга бўлинг.

Шу пайт эшик оҳиста очилиб, олти-етти ёшли бир малласоч бола мўралади.

– Ие, бу йигитча ким бўлди? – сўради мулла Жаъфарали.

– Бу Миша.

– Буми, бу Абдухалил.

Каромат билан Нўймон ака битта саволга бара-варига икки хил жавоб беришди.

– Миша – Абдухалил денглар, қани ёнимга келчи, бир сўрашиб қўяйлик. Бола ийманиб, қўлларини кўксига кўйиб:

- Ассалому алайкум, – деди.
- Ваалайкум ассалом, мулло бўлинг, тилло бўлинг.

Нўймон ака унинг қўлига бир сиким майиз бебиб: «Бора қол, ўрлим, ўйнайвер», – деб чиқариб юборди ва мулла аканинг савол томиб турган нигоҳини сезиб гап бошлади:

– Етимхонадан опкелганман. Болаларга нон олиб боргандим. Тетикроққина бир бола кўз олдимда бошига бир уриб бунинг нонини олиб кўйди. Йиғлаганича қолди. Кўнглим бўлмай эртасига яна бордим. Нонни биринчи шунинг қўлига тутқаздим, ёнидаги шеригига бергунимча яна йиғлаб турибди-да, ҳатто ким олганини билмайди. Кейин етаклаб келавердим. Мана, бир чиройли юрибди ака-укалари билан ўйнаб.

- Миллати, дини қанақа экан бу боланинг?
- Миллатини билмадим, лекин мусулмон экан.
- Қаердан билдингиз?
- Э-э-э, нимасини айтасиз, мулла ака, бу ёғи жуда қизиқ бўлди. Бу бола кофирми, мусулмонми, ҳатна бўлганми, йўқми, бошим котиб юрган эдим, миямга бир фикр келиб қолди.

– Хўш, хўш...

– Шу тенги болалардан беш-ўнтасини чақириб ҳовлида бир оз ишлатгандай бўлдим-да, энди бир ҳовузда чўмилиб чиқинглар, беҳилардан енглар деб ўзим четроққа кетдим. Узокроқдан кузата бошладим. Болалар роса чўмилишди, кейин ҳозвуга эгилиб пишиб ётган беҳилардан оламиз деб сувдан чиқмаёқ сакрай бошлашди. Ўзиям роса мазза қилишди. Мен ҳам мақсадимга етдим. Боланинг мусулмон экани маълум бўлгач, унга олти калимани ёдлатдим, бир кўй сўйиб ҳатми Куръон қиlldим. Мулла акалардан уч-тўртталари келишди, йигитча уларга чиройли қилиб ўргатганларимни айтиб берди денг. Кейин Ориф махсум от кўйиб бердилар Абдухалил деб.

– Бай-бай-бай, Нўъмонжон ука, биз ҳам одаммиз деб бош кўтариб юрибмиз-а, ана чин одамийлиг-у, мана ҳақиқий мусулмончилик. Умрингиздан барака топинг, илойим. Иншооллоҳ, шу етим сизни охиратда ҳам қўллади. Яна бир томони шуки, агар боланинг ота-онаси ўлиб кетишган бўлса, уларга ҳам савоби етиб боради, ахир, унинг тилига, дилига Аллоҳ қаломини жойлабсиз-а.

– Ажабмас, мулла ака.

– Ҳай, омин, – деди-ю, узундан-узоқ дуо ўқиди мулла Жаъфарали.

Шундан сўнг улар янги ҳовлига уннаб юборишиди. Ҳаёт яна ўз изига тушиб кетди.

\* \* \*

Чойни янгилақ келган Кариманинг юзларида ҳавотир сезилди.

– Ҳа, болам, тинчликми? Фалатироқ ўтирибсан?

– Уйимиз томонда бакир-чақир эшитилгандай бўлди. Буви, мен турай, анча қолиб кетдим.

Каримани дуо қилиб кузатган янга ҳовлида куйманиб юрган Қодиралининг ҳам қўчага чопиб чиқиб кетганини куриб кўнгли ғаш бўлди. У ҳам беихтиёр қўшни ҳовли томонга юрди, лекин бир оз ўйланиб турди-да, секин ортга қайтиб дахлизга кириб кетди. Аммо узоқ ўтиrolмади, нафаси қисаётгандай юраги ҳовлиқаверди.

Шу алпозда қанча ўтирганини билмайди, бир пайт келини салом бериб кириб келди. Юз-кўзи қизарган, кўзларида ёш тўкилай-тўкилай деб тўлиб турибди.

– Келдингми, қизим, нима гап, сикилган кўринасан, тинчликми?

– Ойи, Мафтунадан хабар олгани кирувдим, шунга бир оз кечикдим.

– Вой болам, шунга сикилдингми, жиянинг соғайиб, ўйнаб-кулиб кетса бўлгани, уй ишлари

тутармиди? Карима келиб ҳамма ёқни тозалади, невараларим аллақачон овқатни пишириб күйишиди, сен дарров юзингни юв, овқатланиб ол.

– Ойи, мен опамникига борайми дегандим, – келинининг овозидаги титроқ янганинг дардли дилига оташ ташлади.

– Ҳай, болам, очикроқ гапирасанми, нима бўлди ўзи?

– Мафтуна ўлиб қолди.

– Вой ўлмасам, қачон?

– Кечами, аввалги куними, билмайман.

– Бу нима деганинг, ҳар куни хабар ол, опангни ёлғизлатма дегандим-ку, кеча бормаганмидинг?

– Боргандим. Ҳеч гап йўқ эди, – Матлубаҳон тўлиқиб турганди, шундай деди-ю, ҳўнграб йифлаб юборди. Янга унинг ёнига ўтириб бошини кўксига босди, пешонасини силади, оғзига чой тутди. Келини йифлаб-йифлаб пасайди.

– Ойи, ҳеч кимда диёнат қолмабди. Икки кун оддин ўлган боланинг икки тарафига вентилятор кўйиб, ўлик айнимасин деб хонани совутиб сақлабди-я уйинг куйгурлар. Ҳар ярим соатда биттаси чиқади «шу дорилар керак» деб. Бу дориларнинг қимматлигини айтинг. Поччамнинг кўзига пул кўринмади. «Қизим тирик қолса бўлди», – деб икки кундан бери врачларнинг ҳаром киссаси учун ишлабди.

– Кўйсанг-чи, қизим, дўхтиrlар ундей қилмайди.

– Ойи, жон ойи, мен сизга ҳеч ёлғон гапирганманми? Ишдан қайтишда кирдим, ҳар кунгидек ҳамма ўша ерда экан. Мен ҳам турувдим, бир таниш фаррош аёл имлаб чакирди, яқинроқ борсам: «Дори олишни тўхтатинглар, бола аллақачон ўлган, дўхтиrlар поччангизни соғиб ичяпти», – деди-ю, тез-тез юриб кириб кетди. Нима қиласимни, нима деяrimни билмайман, рангим ўчиб кетган, ше-

килли, ҳаммаси мени ўраб олишди. Ўзимни зўрға кўлга олдим-у, шундай-шундай бўлибди дедим. Киёмат кўпди, ойи, опам ўзини билмай қолди. Поччам: «Ҳам молимдан, ҳам жонимдан айрилдим, йигитлигимни ер билан битта қилди лаънатилар, ҳаммасини ёқаман», – деб ўзини кўтариб ураверди. Акам милиция чақирди, терговчи, прокурор...

– Вой ўлай, одамларга нима бўлган, пул деб шунчаликка борадими-а? Аллоҳнинг қаҳридан ҳам кўрқмайдими булар?!

– Ойи, булар одаммас, булар шайтон, ундан ҳам баттар.

– Энди, болам, ҳаммамизга сабр берсин. Овқат тайёр, сени зўрламайман, лекин ўтганича еб олсанг яхши бўларди, бўш қоп тик турмайди, биласан. Кейин секин жўнайвер, болалардан хотиржам бўлгин, менам, тинчлик бўлиб турса, эртага овқат-повқат қилиб ўтиб бораман.

Янга, келини кетганидан кейин ҳам, анчагача ўзига келолмай ўтирди. Юраги қинидан чиққудек уради, қовурғалари баттарроқ қайрилиб кетаётгандай зирқирайди, аъзойи бадани қақшайди. «Охирзамон деганлари шу бўлса керак-да», – деб пичирлаб кўяди, туриб-туролмайди, ўтириб-ўтиrolмайди. Ўчакишгандай, Қодирали ҳам чиқа қолмади. «Қандоқ кунларга қолдик-а?» – деди-да, ўрнидан туриб ҳовлидаги сўрига оҳиста ёнбошлади. Тароватли ёз оқшомида сўри жуда гаштили бўлади. Янга бўғот билан ишком орасидан осмонга узоқ термилди. Ҳар куни худди шу ерда, шу лаҳзада жимитдеккина хабарчи юлдуз пайдо бўлади. Бирданига лип этиб кўринади. Кўринади-ю, кўзларини пирпиратиб бир очиб, бир юмиб самонинг олис-олис нукталаригача кўздан кечириб чиқади. Кейин, ҳеч қандай хавф йўқлигидан қувониб бўлса керак, турган жойида

дик-дик сакрайди-да, шерикларини имлайди. Юлдузлар аввалига секин-секин, битта-битта кўриниш берадилар. Дастваб улар ҳам дир-дир қалтираётгандай, атрофга олазарак бокаётгандай туюладилар. Бир оздан сўнг барча ҳадик ортда қолади. Турли ранг, турли ишва, турли навозиш ила симобий доначаларнинг самовий ракси бошланади. Хоҳлаганларича шўхлик қиласилар, кўнгил майлига бериладилар. Айримлари у ёқдан-бу ёққа чопқилласа, айримлари фуж-фуж бўлиб оймоманинг гийбатини қиласилар. Буни сезган оймома уларга ўроғини ўқталади. Шунда баъзи бир қуёнораклар зувиллаганича самонинг бошқа бир бурчига учиб кетадилар. Колганлари юракларини ҳовучлаб, кўзларини пирпиратиб узр-маъзур қиласилар. Бундан ҳаволанган оймома содик кўрикчилар куршовида янада юксалади, теваракка мағрур назар ташлайди: «Ҳали тонгга анча бор. Унгача нима гап, нима сўз... Минг ишва, минг ноз билан порласаларинг-да, баринг тонгда заволга юз тутасанлар-ку», – деяётгандай ним табассум билан бурнини жийиради. Туннинг муқаддимаси билан хотимаси ҳам инсон ҳаётининг ибтидо ва интиҳосига ўхшайди. Йифи-сифи билан дунёга келган инсон йифи-сифи билан ҳаётга алвидо айтади. Қонталаш бўлиб ботган қуёш қонталаш бўлиб отади. Ҳеч бир инсон ҳаёти ўхшаш бўлмаганидек, кунлар ҳам бир-бирини такрорламайди.

Янга оҳиста энтикиб кўйди. Шабада гулларнинг раҳон иси аралаш ажабтовур бўйини унга тортиқ қиласи. Шу билан ўз ишини койиллатгандек тўхтади-қолди. Аста тебранган ток барглари яна тош қотдилар.

У ўрнидан туриб иккиланибина дарвоза томон юрди. Эшикка қўл узатганди, кўчада қўшни эркакларнинг фўнгир-фўнгири эшитилди. Беихтиёр

қулогига чалинган гаплардан боши ғовлаб кетди. Ортиқ бир қадам ҳам юролмай қолди.

– Эркак киши бунақа бетайин бўлмайди-да! Хотиннинг топган ҳаром пулларини е-е-б ётадими энди?!

– Рашки йўқ эркак – даюс дейилган. Хотин кишининг ёмон йўлга кириб кетишита ана шунақалар сабаб бўлади. Бошида эри бор хотин ўзига ортиқча зеб бериб юбордими, бундан яхшилик чиқмайди. Тунов куни айтувдим бу сўхтаси совуққа: «Хотиннингни мунча бежайсан ё эрга бермоқчимисан?» – деб.

– Замон кўтармайди-да, акалар, – бу Собиралининг кичик ўғли Фанишернинг овози эди, шекилли. – Бўлмаса, мана шу симёғочга чандиб боғлаб ташлардим. Ўтган-кетган юзига тупуриб ўтсин деб...

– Кўйсанг-чи, ука, симёғоч шўрликда нима айб?!

Орадан анча вакт ўтиб ҳовлида Қодирали кўринди. Ойисининг олдига киришини ҳам, кирмаслигини ҳам билмай бир оз тараддулланди.

– Қодирали, нима гап, акангнида тинчликими? – ичкаридан туриб сўради янга.

Энди бор гапни яшириб бўлмаслигини тушунган Қодирали уйга кириб пойгакка чўкди.

– Ойи, акамнида иш чатоқ. Келинлари жуда хунук қилиқ чиқарибди... Айтишга тил бормайди. Хуллас, Фанишер хотинидан сал-пал шубҳаланиб юраркан. Шу бутун изма-из бориб йўлда кўздан қочирибди. Кейин у ёқ-бу ёққа қараб нима қилирини билмай турса, янгаси кўриниб қолибди, ясан-тусан жуда бошқача... Ҳайрон бўлиб энди унинг орқасидан кузатибди. Кўп қаватли уйнинг йўлагига кириб уни ҳам йўқотиб, тусмоллаб юқорига кўтарила бошлабди. Энди иккинчи қаватга кўтарилган экан ҳамки, бақир-чақир, қасур-қусур бошланиб кетибди. Эшик олдига бориб мўраласа, икки хотин бир-бирини юмма талаб, оғзига келган ёмон гап билан ҳақоратлаётганмиш...

Фанишер куйиб кетибди:

«Ака, қайси тошга бошимни урай, жон ака? Манави икки манжалаки бир бойвачча билан дон олишиб юраркан, бир-биридан бехабар. Бугун нима жин уриб бир пайтда бориб қолибди. Янгам ўз қалити билан эшикни очиб кирса, ўйнаши овсими билан... Нақ қиёмат бўлаётувди, шартта ичкарига кириб бордим-у, икковини дод-войига қарамай машинага босиб олиб келдим, – дейди».

– Вой тавба, вой ўлмасам, – янганинг юраги товонига тушиб колгандек эди гўё.

– Фанишер уриб-суреб хотинини ҳайдаб юборди, лекин акасига гап уқтиrolмади. «Хотин меники, нима қилса ҳам рўзғорни эплаб турибди. Мен ишга ярамасам, буни ҳайдаб юборсам, болаларими ни сен боқасанми? Ишинг бўлмасин, пул топяпти, касалимни даволатяпти. Ҳеч қаерга кетмайди», – деб оёқ тираб туриб олди. Охири: «Фоҳиша билан бир томнинг остида турмайман», – деб бир куркайимларини олиб Фанишернинг ўзи кетиб қолди. Катталарнинг ҳай-ҳайлашига ҳам қарамади.

– Фанишер-ку бир йўлинни топиб кетар, ҳар ҳолда, соғлом. Бола-чақаси йўқ. Лекин акасини билмадим, – деди Кодирали ойисининг ҳамон ўзига келолмай, кўлидаги чойни тўкиб юборгудек титраб тутганидан бехабар.

– Акасига нима қипти? – деди янга ўша титрок билан.

– Ким билади дейсиз? Кўзлари ғалати, ҳадеб маъносиз илжаяди, қилиқлари соғ одамникига сира ўхшамайди. Мияси бир оз чалғиганов.

– Бўлса бордир, болам, бўлса бордир, – деди Каромат янга. Нохос кўз олдига яна Салимжоннинг териси лопиллаб турган мияси келди... – Аканг қалай? – деди, ниҳоят, ўғлига қараб.

– Акамни сўраманг, ойи, хуши ўзида эмас. Аслида-ку, бундан баттарига лойик. Ким уни...

– Ҳай-ҳай, Кодирали, сенга нима бўлди, ўғлим? Том босганин бўғот туртмайди.

– Тўғри айтдингиз. Мен уни туртмайман, худо уриб қўйибди-ку, ойи. Мевали дарахтни қийратганин худо ҳам қийратаркан-да...

\* \* \*

Куфр аҳлидай ичию таши зулматга бурканган узун тун. Кўкда ой кўринмайди. Ҳар кеча ўйноки юлдузларга пойлоқчилик қилиб, заминни оппок нурларига қориштириб тургувчи оймомо ҳам бугуниг ёмон ишлардан хижолат тортиб уялганидан булатлар панасига ўтиб олган.

Совук, тунд кечада кимdir йифлаб, кимdir тўлғониб, яна кимdir эса шукр ва сабр ила ибодат қилиб тонг оттирди. Лекин «Энди нима бўлади?» деган савол ҳамон жавобсиз. Намоз қушининг чирқиллаши билан Каромат янганинг уйғониши ҳамиша бир пайтга тўғри келади. Мана неча йилдирки, ҳовлисида шу күш яшайди. Ҳар гал намоз пайти бўлиши билан сайрай бошлайди. Айниқса, унинг шомдаги нағмаси жуда ўткир. Жонини жабборга бергудай тинимсиз чирқиллайди, муштдайгина жуссасида шунча куч, шунча қудрат...

Гўё, «Эй ғафлат бандаси, яна бир ёруғ кунинг ўтиб, тун бошланяпти, ҳаракатингни қилиб қол», дея огоҳлантираётгандай.

Тонг отиб кун ёриша бошлагач, Каромат янга бор томонга ўтди. Кесилган ёнғоқ мевалари ҳар томонга сочилиб ётарди. Бирининг пўсти арчилиб яланғочланган, бири ярим яланғоч. Пўсти арчилмаган ёнғоқлар эса ҳануз шоҳларни безаб турибди. Лекин улар ҳам бу туришлари ўткинчи эканидан ўқинаётгандай бош эгишган.

Боғнинг мусаффо ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олаётган янганинг кўнглида кутилмаган таскин

пайдо бўлди: «Яхшиям, Собирали ёнғокни кесибди. Бутунлай ҳовлини эгаллаб қуёшни тўсиб қўйган экан. Мана, ҳаммаёқ очилиб, чиройли бўлиб қолибди. Энди совуқ тушмай шохларини ҳам йиғишириб ола қолса эди. Тавба, нималар деяпман, мияси ачиган кампир, бечора ўз ёғига ўзи қоврилиб ётгандир. Хабар олгани чиқсаммикан-а?..»

Осмондаги қуёш ердаги қуёшга бас кела оламанми, йўқми дегандек иккиланиб булутлар орасида бир кўриниб, бир кўринмай, қизариб-бўзариб юқориларди.

Кун қизариб ботса, қизингни узат, тонг қизариб отса, томингни тузат дейишади. Энди бу ёри куз. Чўл демай, бўстон демай; гул демай, тикон демай бутун заминни қучогига олган бобо қуёш ҳамон юқориларди...



## ҲИКОЯЛАР

### ДУОНИНГ КУДРАТИ

– «Аҳмоққа Косон бир тош», – демоқчисан-да? А?!  
Майли, гапир, ичингда қолиб кетмасин, қаригандан кейин шу-да, аҳмоқ ҳам бўласан, анқов ҳам...

– Э-э-э, қўйинг, дадаси, ким сизни аҳмоқ деди?  
Совуқ кунда шундан шунга бориб қийналиб қолманг деб айтдим-да. Кишши қирови кўриниб, изғирин изғиб қолган бўлса... Кейин... домла поччамнинг ҳам ахволлари унча яхшимас.

– Вей хотин, совуқ кўчадамас, сени ичингда, билдингми?! Сени нафасингда?! Хўпми?!

– Билганингизни қилинг, тўғри гап гапириб ба-

лога қоласан киши. Ҳа, айтгандай, мен Иноятхонникига бораман... Зарил бўй қолди-да, ахир. Болаларига қарашиб турмасам бўлмайди.

– Ҳа, сизики ҳамиша зарил, бизики нозарил-да. Болаларига қарашармиш... Қизингизни қайноаси бор эди, адашмасам. Гуссимасдай келадиган. Иши сизга қараб қолмагандир?..

– Қайноасининг амакиси вафот қилганлар-ку, у киши ҳали азахонадан келмади.

– Оббо, оғзингизниям қиров боғлаб кетди-ку, онажониси.

– Э-э-э, қанақа инсонсиз ўзи?! Азани аза дейдими, ахир? Э, боринг-э...

– Ассалому алайкум, – яхшиям, эшикдан юз-кўзлари кулгудан чақнаб ўртсанча ўғиллари Ботиржон кириб келди. Йўқса, бу чол-кампир яна қанча ғижжиллашар эдилар, номаълум.

– Ваалайкум ассалом, – деди Нўймон ота қоп-кора қош-кўзларию миқти гавдаси ўзига қуйиб қўйгандек ўҳашаш ўғлига қараб.

– Келдингми, болам? – онаси унинг этилган елкасига охиста уриб қўйди. – Жуда курсанд қўринасан.

– Ойлик олдим, – илжайди Ботир қўлидаги яп-янги 25 сўмлик пулни уларга кўрсатиб.

– Айтдим-а тез қайтибсиз деб, энди «бу-у-унча» пулни нима қиларкинмиз? – кап-катта йигит бўлса ҳам уялиб, қимтиниб турган ўғлини ҳазиломуз саволга тутди Нўймон ота.

– Нима қилардик, бозор куни бўғоз қўй оламиз. Бобом айтардилар-ку: «Кузда олсанг бўғоз қўй ол, икки баравар фойда қиласан», – деб.

– Майли, майли, баракасини берсин, мен кета қолай-а, дадаси, яхши ўтиринглар.

– Яхши боринг, онаси, яхши боринг...

Отасининг кинояли илтифотидан Ботир ажабланди.

– Ҳа, дада, тинчликми?

– Тинчлик, болам, тинчлик... Тўйга кетяпман, Косонсойга.

– Асқар тоғамнигиғами, менам борай.

«Сен етмай турувдинг ўзиям», – дегандай Нўъмон ота силтаброқ гапирди:

– Асқар тоғангнигиға эмас, бошқа биродарим-никиға, Аҳмаджон деган.

– Майли-да, боравераман. Ҳов бир йили маза қилиб ўйнаб келгандим.

– Ўғлим, тағин «кап-катта йигитни эргаштириб келганини» деб жўраларим устимдан кулиб юриш масин, қўя қол.

– Ўзингиз минг марта айтасиз-ку: «Мол орттирма, дўст орттири», – деб.

Нўъмон ота ўйланиб қолди. «Борса борар, чой-пой ташиб, ўртоқлари билан бирга хизмат қилиб юрар».

– Йигитнинг сазаси ўлгунча...

– Бўлди, бўлди, масал тўқимай қўя қол. Борсанг борарсан, бошимда юрармидинг?..

Ботир тезда тайёр бўла қолди. Нўъмон ота ҳовлини катта ўғли ва келинига топшириб, Ботирни оддига солиб кўчага чикқач:

– Домла поччамга учраб у кишининг дуоларини олиб чиқайлик, ўғлим, – деди ва мулла Жаъфар Охуннинг уий томон бурилди. Ҳовлига кириб бир-икки йўталиб кўйди-ю, қадрдан хужрага қараб юрди.

Ботирнинг назарида таниш хужра янада ёришиб кетгандай эди. Сандалнинг бир ёғида ётган мулла Жаъфар ҳам, унинг доимий ёзиғлик тургувчи оппоқ кигиз жойнамози ҳам гўё нурга фарқ бўлгандай. Айниқса, жойнамозга кўзи тушган киши бундайин оқликни, бундайин покликни ҳеч қачон кўрмаганига амин бўларди. Салом-алиқдан сўнг сандалга ўтиришаётганда Нўъмон ота ўлига им қоқди. Ботир тушунди. Отаси бу билан «эҳтиёт бўл» демоқчи. Сандал ўтхонасининг ёнида таҳорат учун ҳамиша бир чойдиш сув илиб турарди...

Фотиҳадан сўнг Нўймон ота сўз бошлади:

– Домла, Косонсойга тўйга кетяпмиз, йўл одидан би-и-ир дуо олайлик деб киргандик.

– Муни қаранг-а, мулла Нўймон, ўзиям сизни диллаб ўтиргандим. Ваъдангизни бир эслатиб кўйиш керакмиди деб. Эсингиздами, жонимнинг эгаси – Аллоҳ, жасадимнинг эгаси – сиз. Ишқилиб, мендан хабардор туринг.

Нўймон отанинг юраги шувиллаб кетди.

– Бу нима деганингиз, домла, кўринишингиз жуда яхши, ҳеч ким сизни касал демайди, бунақа совуқ гапни кўйинг.

– Эҳтиёт шарт, айтдим-кўйдим-да. Омонатнинг ҳақиқий эгаси эшик қокиб қолса, «лаббай»да буёфи.

– Ҳаммамиз ҳам шу, домла... – бу доно одамга яраша сўз тополмагандай Нўймон ота жим қолди. Сўнг овозига қувноқ тус бериб: – Мана, Ботир ўғлинигиз ҳам бугун ойлик олибди, ёзга чиқиб уйлаймиз, тўйларда бош бўлинг, илоҳим, – деди.

Домла ёқимли жилмайиб бош иргадилар.

– Биз энди турайлик, узок йўл, асртага етиб олсан, яхши бўларди, – деди рухсат сўрагандек домлага қараб Нўймон ота.

– Майли, майли, – дуога қўл очган домланинг оғзидан чиқаётган сўзлар шу қадар майин эдики, Аллоҳнинг номию каломини тинмай такрорлагувчи лаблари ҳар бир товушни силаб-сийлаб чиқараётганга ўхшарди. Унинг овози қулокқа сира ўқдай қадалмас, билъакс, секингина сирғалиб кириб юракка чиппа ёпишарди-Коларди. Домла юракларни энтириувчи сеҳрли овозда узок дуо килдилар. Ота-болани қузатаётганларида Ботирга меҳр тўла нигоҳларини қадаб: «Аллоҳ ёр бўлсин», – деб кўйдилар.

Ташқарига чиққач отасининг боши ҳам бўлиб қолганини кўриб Ботирнинг кўнгли хижил торти.

– Ҳа, дада, ўйланиб қолдингиз.

– Менга қара, болам, отанг ўргилсан, кел бир

марта сўзимни ол, – шартта тўхтади ҳосилот бува.  
– Шу сафар уйда булиб тургин. Онанг кетди, мен кетаман. Аллоҳ ёмон кунни йироқ қиласин-у, билиб бўлмайди-да.

– Хўп, дада, сиқилманг, бормасам бормай кўявераман, – Ботир дадасининг кўнглини кўтара бошлади, – домланинг доимги гаплари-ку булар, кўнглингизга олманг. Туппа-тузук ўтирибдилар. Сиз хотиржам бориб келаверинг.

– Раҳмат, болам, кўз-қулоқ бўп туринглар. Мен борай, бўлмаса.

Нўймон ота аввалига секин-секин юрди, кўча бошига етай деганда чакмонини химариб белбоғига қистириб олди ва қадамини жадаллаштириди.

Ботир қайтиб кирганидан ажабланганларга: «Нима зарил совукни кунида?» – деб қўйди-ю, ичкарига кириб кетди.

\* \* \*

Бемаврид шовқиндан Ботир чўчиб уйғонди. Эшик тарақлар, кимдир бўғиқ овоз билан чакиради. Шошилинч елкасига тўнини ташлади-ю, ташқарига югурди. Дарвозани очиши билан, мулла Жаъфар домланинг ўғиллари Камолиддин «дадамлардан айрилиб қолдик» деб уни кучоқлаб олганча ўксиниб-ўксиниб йифлай бошлади. Унинг қизариб, шишиб кетган ёшли кўзларини кўрибօқ уйқуси ўчиб кетган Ботирнинг ҳамма ёғи музлаб қолгандай бўлди. Қадрдонининг елкасига бош қўйганча ўкраб-ўкраб йиглаб юборди.

– Янгам... – дея гап бошлаган Камолиддинни Ботир тўхтатди:

– Хотиржам бўлинг, ака. Ҳозир ойимни олиб чиқиб бораман.

Уйга кираётуб акасига дуч келган Ботир унга ахволни шоша-пиша тушунтирган бўлди-ю, ўзи иссиқ кийиниб опасиники томон чопди.

Совуқ хабар Ибодат холани ҳам, Иноятхонни

ҳам бирдек гангитиб қўйди. Ҳушини йўқотаёзган она тап этиб ерга ўтириб қолди, чала тугилган рўмоли бошидан учди. Оппок соchlарини юлгудек бўлиб дод солди. Опа-ука уни алдаб-сулдаб ичкарига олишди.

– Нима деган одам бўлдик энди, ўғлим, неча йиллик қадрдонимиз, эл-халқ нима дейди? Домла поччам ҳаммага уқтириб юрардилар қабрга Нўмонжон қўяди деб. Вой, бу даданг-эй, «хотинни гапига кирадиган аҳмогинг йўқ» деб мени адойи тамом қиласди, – кампир дам домланинг ўлими учун қайфурса, дам шундай кунда тўйма-тўй юриб лафзсизлик тамғасига дучор бўлай деб турган эри учун қайфурав, сира босилай демас, аксинча, осмонга кўтарилиб, ерга тушарди.

– Ойи, йифлайверманг, қўйинг энди, ойижон, ундан кўра жўнай қолинглар, ўша ерда бўлганингиз яхши, туриng энди, – Иноятхоннинг йифламираб айтган сўzlари, овутишлари иш бермагач, Ботир:

– Мен дадамни таъзияга етказиб келаман, ойи, сиз боринг, холамни ёлғизлатманг, – деди. Ибодат хола бирдан жим бўлиб қолди, қўзи ярқ этиб очилиб кетди. Гапирган гапидан ўзи чўчиб кетган Ботирга юракларни эзib юборгувчи илтижо ила термилди.

– Кўрганимисан, бороласанми, ҳа-я боргандинг-а, – ўз саволига ўзи жавоб бераётган онанинг хозирги аҳволи ҳақиқатан аянчли эди.

Соат тунги ўн икки, машина қатнови алмакачон тўхтаган. Косонсоj қаерда-ю, у қаерда?! Лекин қўл ковуштириб ўтирадиган пайт эмас. Бир ёғи васият, бир ёғи лафз, ўртада қадр-киммат...

– Топаман, ойи, топаман, сиз бораверинг...

«Алмоҳга таваккал», – дерди Ботир, шу сўzlарни такрор-такрор айтаркан, вужудига куч ёғилаётганга ўжшарди гўё. Туман марказига чопиб борар-

кан, бир дам ўзини йифидан тұхтата олмади. Күз ёшларини артаверганидан опаси құлига тутқазған чит рўмол шалаббо бўлди, туннинг изфирини муздай қилиб қўяётган шу рўмолни қизиб кетган юз-кўзига босарди, лекин ўзини тұхтата олмасди.

«Чорраҳадан озгина ўтаман-у, кутиб тураман, кўринган машинанинг йўлига шартта чиқиб оламан, йўқса, яrim кечада менга бирор тұхтармиди?! Шартта чиқиб йўлинин тўсиб туравераман». Шу тобда хаёлига бундан-да жўялироқ фикр келмасди.

Чопиб бораётган йигитга қасдма-қасд осмондаги ой ҳам чопиб борар, тұхтаса, тұхтар, бир зумгина нафасини ростлаб секинлаб борарди-да, яна чопиб кетарди. Тиқ этган товушга чўчиб тушадиган сезгир туннинг оромини бузиб сукунат куксига урилаётган хром этигининг дадил товуши кўнглига далда бўлар, тинмай олдинга интиларди. Боядан бери диллаб келаётган жойига етгач тұхтади, олдинга бокқан кўзлар ортга қадалди. Бир Учқўрғон, бир Чорток, бир Жийдакапа томонга илинж билан қараб тураркан, кўзидан ёш аримасди. «Қандок одам эдилар-а амаким, қандок чиройли ўтирувдилар, қандок чиройли гапларни гапирган эдилар...»

Орадан анча вақт ўтди. Чорток томон сал ёришгандай бўлди, тикилиб турганди, машинанинг чироқлари аниқ-тиник кўриниб қолди. Яқинлашиб келаётган машинанинг овози Ботирнинг юраги қаъридан чиқаётганга ўхшар, назарида у овоз ҳам, юрак уриши ҳам тенгидан тезлашаётгандай, баландлашаётгандай эди.

Машина бир оз секинлаб шаҳар томонга бурилди-ю, йўлнинг ўртасига чиқиб қулочини ёзиб турған барваста йигитни кўриб ноилож бир қалқиб тұхтади. Ботир гап-сўзсиз бир сакраб машина кабинасидан жой олди. Унинг кўриниши аянчли эди, нигоҳлари ялинчоқ эди, кўз ёшлари ҳали-хануз юзларини ювиб турарди.

— Ака, жон ака, қанча десангиз бераман, шаҳаргача олиб кетинг, жон ака, — йиғлаб ялинарди Ботир. Шофёрнинг кўнгли бузилиб кетди. Унинг индамаганини кўриб Ботир баттар безовталанди.

— Йўлингиз шаҳаргами, ахир, олиб кетасиз-а? Ака...

— Олиб кетаман, шундоқ ҳам шаҳарга кетяпман. Хотиржам бўлинг...

Бир оз юргач, индамай кетиш нокулай туюлди, шекилли, шофёр секингина сўради:

— Совуқ кунда кечга қолибсиз, тинчликми ўзи?

— Амакимдан айрилиб қолдик...

— Аллоҳ раҳматига олган бўлсин.

— Дадам Косонга кетувдилар, уларни таъзияга етказиб келмасам, уятга қоламиз, — Ботир гапирав экан, йифидан тўхтай олмасди.

— Косонга денг, жуда узокда эканлар-да. Майли, ука, сиқилаверманг, шаҳардан у ёғига машинада бир ярим-икки соатлик йўл, худо хоҳласа, улгура-сиз.

— Ҳамма гап шунда-да, ака, ярим тун бўлса, мени туркимни кўриб унча-мунчаси тўхтамаса керак.

— Уларга ҳам синалган усулни қўллайвера-сиз-да... — деди шофёр бунга жавобан жилмайиб. Ботир узрли нигоҳ билан унга қараб қўйди-ю, бошини эгди.

Шофёр бир оз ўзига келсин деб Ботирни унча гапга тутмади. Йўқса, у ҳам кўп ҳамкаслари қатори гапнинг уяси эди. Ора-чора унга, қариндошларига сабр тилаб машинасини тезларатаверди. Шаҳарга кириб анча юргач тўхтади:

— Ука, мен селхозтехника биносига буриламан, сиз шу ерда туриб машина кутинг, ажабмас, ишингиз ўнгидан келиб биронтаси учраб қолса, ҳадеб йиғлайверманг, энди, йигит кишига ярашмайди.

— Раҳмат, ака, мана буни олиб қўйинг, — Ботир бисотидаги бор бойлиги — бояги 25 таликни узатди. У эса кескин ҳаракат билан пулни қайтариб:

– Уят бўлади, ука, мусулмонмиз-а... савобталабга мадад бўлиш – икки ҳисса савоб. Бу дежурний машина-да, йўқасам-ку, ўзим обориб келардим. Майли, ука, эҳтиёт бўлиб кетинг.

Шофёр билан самимий хайрлашган Ботир кўча четида туриб кута бошлади. Кўз ёшларини арта-арта катта кўчага тикилди. Ҳеч зоф йўқ, на одам, на машина, на от-арава. Ҳамма ёқ жимжит. Зулмат бағрини ёритаётган садоқатли ҳамроҳи тўлин ойгина унга нозлана-нозлана кўз ташлайди. Ёғдулари билан унинг юз-кўзларини силаб-сийпаркан, ўксик қалбига малҳам бўлади. Юлдузлар эса бепарво жимиirlайдилар, ғуж-ғуж бўлиб сирлашадилар. «Тавба, осмон ҳам пастлаб қолганми, нима бало?» – дерди Ботир дам-бадам кўкка бокаркан. «Шаҳар қишлоқданам совуғ-а, энди нима қилдим, ҳеч нарса келмаса-я, ойим ҳам роса хавотир олаётгандирлар?» Хаёлга чўмган сари уни тубсиз ваҳима ўз қаърига тортаётгандай бўларди. Яқинлашиб келаётган машина товуши уни ўзига келтирди. «Ишқилиб, мен томон бурилсин-да, бурилса бўлди, шартта...» Ботирнинг ёшли кўзлари яшнаб кетди. Таниш машина бурилибок тўхтади. Шофёрнинг жон қадар қадрдон товуши эшитилди:

– Ҳа, жиян, кетолмабсан-да, кела қол, менам Косонга борадиган бўлиб қолдим. Ўтирдингми, мана кетдик... И-я, ҳалиям йиғляяпсанми? Бу гавдага қараб ҳаммаси куч бўлса керак дебман, сув, шекилли, бор бисотинг?

Шофёр бир тўхталиб олди-да, яна гапга тушиб кетди:

– Менга қара, жиян, бир кўрган таниш, икки кўрган билиш дейилган. Уйчиликмисан?

Тасдиқ ишорасини олиб давом этди:

– Мени бир хизматдош ўртогим бор, Абдухалил деган, Нўъмонов... танийсанми?

– Абдухалил Нўъмонов акамлар-ку...

– Буни қара-я, Абдухалилнинг укасиман дегин, оббо жияним-эй, отинг нима эди?!

– Ботир...

– Танимаганимни кур, Ботиржон. Тавба, тузукроқ қарамаганимни... Ахир, худо юз-кўзинга тамға босиб кўйибди-ку «Нўъмон ҳосилотнинг ўғли» деб, – деди шофёр Ботирнинг қалин қошию чакнаб турган қоп-қора кўзларига қараб, – қоронгида эътибор бермабман-да, тўғрисини айтсам, кўрибօқ юрагим «жиз» этувди. Мен Ҳайдарман-да, Абдухалилнинг чортоклик дўсти, эшитганмисан?!

Ботир ҳам бу хайрли тасодифдан анча хурсанд бўлди. Коронғи кўнгли хийла ёришди.

– Аммо-лекин, жигарим, аканг асл йигит-да, афтидан, сенам ундан қолишмайсан...

Ҳайдар ака ҳали акасини, ҳали отасини мақтар, ўртовига бўлган меҳри юз-кўзларидан сезилиб турарди.

– Менга қара, жигарим, акантнинг асли қаерлик эканини биласанми?

– Украинадан дейишарди, шекилли.

– Украинада синглиси борлигини-чи?..

– Йўқ, бунака гап эшитмаганман.

– Эшит, бўлмаса. Биз аканг билан бирга Украинада икки йил хизмат қилдик. Ўша ерда унинг бир таниши рота командири экан. Абдухалил «у билан детдомда бирга бўлганмиз» дегандек бўлувди. Хоҳол йигит. Шу десанг, акангга чиппа ёпишволди. Нима қилса-ю, уни Украинада олиб қолса. Абдухалил, ўзинг биласан, жуда қувноқ йигит, лекин тажанглигиям икки юз фоиз бор. Сира кўнмади. Яна бир дўстини олиб келди, уларни таништириб ҳам қўйди. Нуралиев деган офицер, шунаقا келишган, ҳарбий кийим ҳам шунаقا ярашади дегин, гап-сўзлари ҳам жуда маъноли. Ўзи уйчилик экан, ўша ерда хизматда қолиб уйланибди, қизчаси ҳам бор. Уларнинг юриш-туришига, яшашига

биз қишлоқиларнинг ҳавасимиз келиб ўлиб туриб-миз. Лекин аканг сира ён бермайди. Бир куни десанг, ўша хохол йигит қўлида аллақандай қофоз, ҳовлиқиб келиб қолди. «Менга қара, Миша Иванко», – деган эди, аканг оғзига урди: «Мен Иванко эмас, Нўймоновман». «Майли, исмингдан кечибсан, лекин синглингдан кечмассан-а?» Эслайсанми, Ольга деган синглинг бор эди? «Эслайман, нима эди?» «Мана сенга ўша синглингнинг адреси, бориб учраш, гаплаш, ахир, ота-онангдан ёлғиз ёдгорлик... Ма, ол, сенга икки кунга рухсат». Абдухалил ўйланиб қолди. Узоқ ўтирди. «Хўш?» – деди ўртоғи сабри тугаб. «Биласанми, Муроджон», – деб гап бошлади Абдухалил. Бу сафар командир тутоқиб кетди: «Хеч қанака Муроджон йўқ бу ерда, – қутуриб бақирди у. – Мени қишлоқиларнг кўйган исм билан чақирма. Мен украинман. Украиналигимча қоламан. Исмим Игорь Василько».

«Кечирасиз ўртоқ командир, – овозига заҳарханда расмий тус бериб гап бошлади ўртоғим, – мени, адашмасам, сизни ҳам ўша қишлоқилар ўлимдан саклаб қолишган, тарбиялаб ўстиришган. Уларнинг юзига оёқ кўйиш гуноҳ, агар билсангиз. Энди синглимга келсак, у шунча йил менсиз яшабди, бу ёғига ҳам яшайверади. Мен у билан учрашмайман. Эски қадрдонлигимиз ҳурмати, сиздан бир илтимос, мени кўрганингизни, умуман, бўлиб ўтган гапларни унга айтманг, кўнгли чўқмасин». Командир депсиниб турди-турди, кейин қалаштириб бир сўқинди-да, чиқиб кетди.

– Акам нимага бундай қилдилар? – сўради Ботир.

– Сўраганман. Фалати гапларни айтган аканг. «Жўра, – деди у ёлғиз қолганимизда, – тўғри, мен Украинада туғилганман. Лекин аклимни Ўзбекистонда танидим, имонимни шу юртда топдим. Оиламиз катта. Ака-укаларим бор. Ё отамиз, ё она-

миз мени улардан кам кўришмади. Аксинча, ҳамиша бошларида кўтаришди. Хоҳ ишон, хоҳ ишонма, мен Ўзбекистонни яхши кўраман, оиласми яхши кўраман. Уларсиз яшаш – ўлим. Агар синглим билан учрашсам-у, у мен билан кетишни истамаса, икковимизнинг ҳам ярамиз янги бўлади. Олиб кетсам-у, у ерларни ёқтиrolмаса-чи? Ахир, қишлоқ аёлларига қанчалик қийин эканини ўзинг яхши биласан-ку. Унда иш янада қийинлашади. Шу боис ҳаммаси ўз ўрнида қолгани маъқул. Командирдаги қофозда талабалар ётоқхонасининг манзили ёзилган экан. Ўқияптими, демак, ҳаммаси жойида. Энди ундан хавотир олишнинг ҳожати йўқ. Лекин, барибир, манзилини асраб кўяман. Уйга қайтгач бир оз ўзимни ўнглаб олсан келиб-кетиб хабар олиб турарман, ишқилиб, бу ёғига худо подшо. Биласанми, булар менга нималарни таклиф қилишяпти?! Орденлар, медаллар, ҳатто қаҳрамонлик унвонини. «Сендақа чайир йигитлар ҳарбий соҳадаги энг юкори лавозимларга лойик», – деяптилар. Кара-я буларнинг мақсадини. «Ватан-ватан» деб кўкракларига уришади. Ниятлари ўша ерларини орден-медалга тўлдириш. Асл ватанпарварга бунақа темир-терсаклар чикора, жўра, чунки уларнинг тиринг-тиринги юракдан «юрт-юрт», «юрт-юрт» деб чиқаётган ҳақиқий жарангни ютиб юборади».

– Эҳ жигар, жигар, нимасини айтай? Мана, телевизор кўрамиз, радио эшитамиз. Лекин-чи, ишон, бирон-бир кўшиқ ё шеър мени хотирамда шунақа сақланмаган, аммо дўстимнинг бу юрак сўзлари, наздимда, миямга мих билан ёзилгандай, сўзма-сўз ёдимда, ҳарорати юрагимда... Олисда, Ватан соғинчи билан, дўстим айтмоқчи, «юрт, юрт» деб уриб турган бир юракдан иккинчисига шундоқкина кўчиб ўтган бу сўзлар.

Хайдар ака жим бўлиб қолди.

Ботир машина ойнасидан кўриниб турган

ялангликлар, яккам-дуккам уйлар, кенг экинзорларга меҳр тўла нигохини тикар экан: «Энди менинг ҳам эсимдан сира чиқмаса керак...» – дея хәёлидан ўтказди.

– Хайдар ака, акам шу ердаям хар йили мукофот оладилар. Орден-медаллари ҳам бор.

– Биламан, жиян. Бало у Миша – Абдухалил деганлари...

Хайдар ака машинани секинлатиб бориб тўхтади, пастга тушишгач:

– Мана, Ботиржон, энди хайрлашамиз. Сен бу томонга, мен бу томонга. Ҳов, анави бинодан айтилган нарсани олиб шаҳарга қайтаман, – деди деразасидан ёруғ тушиб турган баланд иморатни кўрсатиб.

– Майли, ака, сиз бўлмасангиз, қандок қиласадим, минг раҳмат сизга, – Ботир яна тўлқинланиб кетди, овози бўғилиб чиқа бошлади.

– Яна бошладинг-а сен бола, нима қилса бўлади ўзи сени? Қара, қара, Ботир, ўша бинодан бир машина чиқди, эҳтимол, шу томонга юриб колар, – қўлларини чўнтакка суқиб қунишиб турган Хайдар аканинг кўзлари чакнай бошлади. Ундағи умид учқунлари Ботирнинг юзида акс этарди. Йўқ. Машина бурилмади. Икковлари ҳам афсусланиб унинг орқасидан қараб қолишли. Кутимаганда машина тўхтаб, кабинадан бир киши сакраб тушди ва улар томонга кела бошлади.

– Ука, сиз шаҳардан келяпсизми? – етиб келиб Хайдар акани сўрокқа тутди.

– Ҳа.

– Машинани номеридан таниб тўхтадим. Бошлиқ телефон қилгандилар, – у бошидаги дўпписини кўлига олиб бошини қашиди, дўппини бир-икки кафтига уриб қоккан бўлди, кейин яна кийди, – заказинглар ҳали тайёр бўлмаган эди-да, сиз кириб қоровул билан чой-пой ичиб гурунглashingиб ўти-

ра туриңг. Бирор соатлардан кейин битиб қолади, олиб кетаверасиз. Ҳозиргина тайинлаб чиқдим, тезлатишяпти. Аммо хафа бўлмайсиз-да энди.

– Нега хафа бўларканман, майли, ака, сиз бораверинг.

Нотаниш киши узоқлашгач, Ҳайдар ака яна қайтарди:

– Нега хафа бўларканман, яхши боринг, ҳой бошлиқ, сизга айтяпман, яхши боринг, – у қўшқўллаб Ботирхонга кабинани кўрсатди...

Ботир эса ҳамон талмовсираб турарди...

– Бир соат ичиде сени ишчилар автобуси қатнайдиган жойга олиб бориб қайтишга ҳам улгураман. У ёққа ярим соат, бу ёққа ярим соат, – деярли минфирилаб айтилган сўнгги жумлалар тугамаёқ, мотор ўт олди. Ботир энди ростманасига йиғлашга тушди.

– Ака, Ҳайдар ака, сиз одаммисиз ўзи ё фариштами?! Бу яхшиликларингизни мен қандок қайтараман? – дерди у ҳиқиллаб.

– Йиғламай кетсанг бўлди, юз баробар қилиб қайтаргандай бўласан, кўзи.

– Қандок қилиб йиғламай, жон ака, агар сиз бўлмаганингизда...

– Вой-бўй. Умр бўйи ичган сувинг кўз ёш бўлиб чиқиб кетди-да бугун. Ким айтади сени Абдухалилнинг укаси деб? Аканг: «Ҳеч бир иш худонинг амрисиз бўлмайди, ҳатто бир хас синмайди», – дерди. Ҳаммаси худодан, аканг айлансин. Отанг жуда дуогўй инсонлар-ку, дуо олганмисан, ишқилиб?

Бирдан Ботирнинг шуури равшан тортиб кетди. Ҳайрлашгани киришганда, мулла Жаъфар Охун нима деган эдилар-а: «Аллоҳим, шу Ботиржоннинг ҳам ҳожатини ўзинг равон, мушкулини осон қилгайсан. Яхшиларга ёндаштириб, беранж, бемашаққат муродини ҳосил қилгайсан...»

– Домла почча, амаким дедим-ку, ўша киши боя пешинда роса дуо қылган эдилар?

– Ана энди ўзингга келдинг, қани гапир-чи, оғайни, амакинг қанақа одам эдилар?

– Одам сиз билан биз, ака, амаким авлиё эдилар, пир эдилар. Дуо ўқиб дам солсалар, сув тескари оқарди...

– Ҳай, ҳай Ботир. Ўзбекка сал қўйиб берса... – Ҳайдар ака «ёлғон ҳам эви билан-да» дегандай бош тебратиб қўйди.

– Ишонмайсиз-да, ўз кўзим билан кўрганман. Кичкиналигимда қофоз қайиқ ясашни ёқтирадим. Кўчадаги ариқда қайиқларимни оқизиб ўтирсам, амаким келиб қолдилар. Ариқ бўйига узала тушиб ётиб олганман. Қайиқлар бир томонга оқади, мен бир-бирига қараб оқса, тўқнашиб кетса, зўр бўларди деб ҳадеб пулфайман. Юз-кўзим тупроқ, лой... Амаким ёнимга оҳиста ўтирдилар-да, нимадир деб юзларига фотиҳа тортдилар. Бир пайт сув тескари оқиб турибди-да. «Ура», – деб бакириб юборибман. У киши оппоқ кафтларини оғзимга қўйиб: «Бақирманг, Ботирхон, жим ўтириб ўйнайверинг, хўпми? Буни ҳеч кимга айтмайсиз-а, ота ўғил?» – дедилар-да, уйларига кириб кетдилар. Аввалига ҳеч нарсага тушунмадим. Кейин-кейин дадам бизга турли китобларни ўқиб берадиган бўлдилар: «Кисас ул-анбиё», «Тазкират ул-авлиё» каби. Шуларни эшитиб ўтириб: «Ҳа-а, амаким ҳам авлиё эканлар-да», – деб кўярдим. Ишонмайсизми?

– Буни қара-я, ука, ишондим, ишонмай ўлибманми?! Аммо амакинг ҳақиқатдан ҳам зўр одам бўлган эканлар. Ёш бола бўлсанг ҳам сизлаб гапирганларини айтаман-да...

– Мен одамман-ку, ака, амаким боғдаги дарахтларниям, токларниям, кўйингки, ҳамма нарсани сизлаб гапирардилар.

– Менам бир гап айтами, Ботир? Шундок одамнинг таъзияси деб куйиб-пишганинг учун сени машинамдамас, бошимда кўтариб кетсам ҳам бўларди, асли, – шундан кейин Ҳайдар aka бир оз жим бўлиб қолди. – Энди машинани сал тезлатамиз, йигитти гули. Ҳов миатиллаб келаётган иккита чироқни кўряпсанми? Ўша автобус ишчиларники. Кишлок йўлига бурилганда, етиб олсак эди... Қани, тулпорим, бўш келма, – деб рулга шапиталаб қўйди. У энди гапирмас, ахён-ахёнда автобус томонга қараб-қараб кўяр ва газга зўр берарди. – Йўқ, улгу ролмас эканмиз. Ишқилиб, сигнални тушунсин-да, – деди Ҳайдар aka ўзига-ўзи гапираётгандай. Машинанинг чироғинини ўчириб-ёқа бошлиди. Ботирнинг юраги шу қадар ҳовлиқардики, гурилланган мотор овозидан ҳам баланд эди гўё.

– Хайрият, тушунди, – енгил нафас олди Ҳайдар aka. Шериги ҳеч нарсани тушунмаганини кўриб автобусга имлади. – Секинлади, ҳозир тўхтайди. Ҳайдар aka автобуснинг рўпарасига бориб тўхтади, эшикни очиб шофёрга гап қотди: – Оғайнини, бир яхшилик қиласиз-да энди. Шу укамни гузарга ташлаб ўтинг, илтимос, савоб излаб йўлга чиқибди.

– Бўпти, aka, – деди шофёр ва Ботирни чиқишига уннади.

– Хайр, aka, биз томонларга ҳам ўтинг, – деди Ботир Ҳайдарга қайта-қайта миннатдорчилик билдиаркан.

– Албатта. Бугун бўлмаса ҳам, эрта-индинларга фотиҳага ўтишим бор. Яхши бориб кел, укам, ҳаммага салом айт.

«Бу барзанги қаёқдан пайдо бўлди, маст бўлмаса эди», – деб ўқрайган нигоҳлар ила кутиб олган бу нотаниш йигитни энг яқин, энг азиз қадрдони каби меҳр ила кузатиб қолган Ҳайдар ортга қайтди. Бутунги ногаҳоний учрашув машина чироқларининг олтин ёғдуси ила зулмат чокини сукиб

икки томонга кетаётган бу икки йигитни бир неча погона юқорига кўттарганди.

Кечагина 25 сўмлик пулни қулига олиб ҳали у томонини, ҳали бу томонини қуёшга тутиб кўзи тўймаётган Ботир бугун анча улғайгандек...

Автобус шофёри ҳам олишга кўнмаган бу қимматбаҳо қофоз энди Ботирнинг олдида ҳам қадрини йўқотиб бўлганди.

Пулдан-да буюк, пулдан-да қадрли қанча нарсалар бор экан бу ёруғ оламда.

\* \* \*

Асқар аканинг уйига етгач Ботир ўйланиб қолди. Ҳозир чақиргудек бўлса, тожик янга чиқиб келади, унга гап уқтириш мушкул иш. Ундан кўра секин девордан ошиб тушади-ю, ўртоғини уйғотади. Таниш деразани чертса бас... Шу хаёл билан девордан ошиб ҳовлига ўтган Ботир ичкаридан чиқиб келаётган янганинг рўпарасида пайдо бўлди.

– Вой-дод, одамо-о-о ёрдам тето-о-о, – деда тоҷикчалаб қичқира бошлади янга. Кий-чувга уйғониб чиққан Асқар тоғаси Ботиржонни бағрига босиб кўришаркан, хотинига қараб:

- Нўймон оқсоқола писар ўшмиша, – деди.
- Пешонашва ёзмишкайша, ман акужо медонам?
- Ёзиб қўйган галварс, ёзиб қўйган, факат сен анқов ўқишини билмайсан, – деди тоға энди ўзбекчалаб.
- Че гуфсае, мана хоре дойсойеме?
- Тоға, мен сал шошиб турибман, – гапга аралашди Ботир. Караса, гап чувалашиб кетяпти...
- Тинчликми, болам?
- Мулла Жаъфар ота оламдан ўтдилар.
- Тоға юзига фотиҳа тортиди.
- Унда сен дадангни қидириб келган чиқарсан?
- «Аҳмаджонникида бўламан», – дегандилар.
- Тўғри, тўйда қўришдик, «юр» десам унамади.

Кўчамизнинг охиридаги қабристонни биласан-а? Шу қабристоннинг ёнидаги уй – тўйхона.

– Бўпти, мен борай.

– Шошма, болам, мана буни ичиб ол, – тоға хотини олиб чикқан термосдан иссиқ чой қуйиб узатди. Ичиб бўлгач, янга кафтига 3 – 4 та ёғли курт ташлади.

Ботир улар билан хайрлашиб чопиб кетди. Тўйхонага етгач: «Худога шукур-эй», – деб қўйди. Дастлаб кўзи рўпарадаги ошпазга тушди. У ошга гуруч соларкан, атрофидагиларга тинмай иш буюрарди. Тўй эгаси меҳмонга пешвуз чиқди. Унинг кўзида, ош пишмаганидан бўлса керак, бир оз хижолатпазлик сезиларди. У меҳмонни тавозе билан ичкарига таклиф қилди.

– Мен отамни, Нўъмон отани, излаб келувдим, – деди Ботир.

– Келинг, меҳмон, Нўъмон ота кетиб қолувдилар-ку, – деди хизмат қилиб юрганлардан бири Ботир билан сўрашаркан.

– Аниқ биласизми, ака, ишқилиб, уйга кетдиларми?

– Кетганлари аниқ, лекин қаёққа, билмадим.

Ботирнинг ҳозирги ҳоли ҳавас қилгудек эмас, оёқ-қўлидан мадор кетди, юзидан ранг қочди.

– Нариги тўйда эмасмикан-а?!

– У кишининг ҳам исми Аҳмад-ку.

– Юринг, ука, мен уйларини кўрсатиб юбораман, ўша ерда бўлишлари керак.

Ботир яна йўлга чиқди. Энди унинг олдинги шашти йўқолган, қокилиб-қокилиб бораркан, онасининг аянчли қиёфаси кўз олдига келди: «Одамлар нима дейди, болам, лафзизлик бўлмайдими?!» «Йўқ, ойи, худо хоҳласа, сира лафзизлик бўлмайди».

Ботир тўйхонага яқинлашганда, ошнинг иштаҳани қитиқлагувчи қадрдон иси ҳавога тараларди. «Бу ерда ош пишибди», – хаёлидан ўтказди

у. Ховлига кирди-ю, отасини кўрди. У шундоққина дарвоза ёнидаги меҳмонхонанинг тўрида ўтирас, қўлида каттакон китоб, деразадан қараб турган йигитни ҳам, унинг ёш тўла кўзларини ҳам кўрмас, ниманидир берилиб ўкирди. Ботирга кўзи тушган уйчилик меҳмонлардан бири Нўъмон отани нуқиб кўйди. Ота ўғлини кўрди-ю, даст ўрнидан туриб ховлига чикди. Унинг йифи аралаш узук-юлук сўзларини эшитаркан, атрофдагиларга қараб:

– Чакмон, – деди. Бошқа гапирмади. Йигитлардан бири ичкарига кириб чакмонни олиб чикди.

Тўй эгаси, меҳмонлар кузатувида кўчага чиққанларида, юк машинасининг шофёри ҳадеб моторни ўт олдирмоқчи бўлар, лекин уддалолмай сиқиларди. Кўпчилик бўлиб машинани итара бошлидилар. Барибир юрмади. Нўъмон ота ўғли билан пиёда йўлга тушди. У чурқ этмасди, гўё бор кучини оёғига бергандай чопиб борарди. Ўн минутча йўл юришгач, бояги машина етиб олди. Кабинада отанинг қардронларидан бири қўлида тугун билан ўтиради. У тушиб, ўрнига Нўъмон отани чиқарди. Ўзи тугуни билан Ботирнинг ёнига, кузовга, чиқиб олди. Тугунни Ботирга бериб тайинлади:

– Болам, стангнинг насибаси, сарпоси ҳам шунинг ичида, ўзинг эҳтиётини қиласан.

– Хўп, амаки.

– Корнинг ҳам очдир, мана буниси сенинг насибанг, – у қўйнидан қарғашойи белбокқа маҳкам қилиб туғилган кичкина тутунчани чиқарди. Уни ечиб, ховури кўтарилиб турган хушбўй ошни, мева-чева ва бошқа егуликларни Ботирнинг олдига кўйди, уни ейишга қистади. Гарчи иштаҳаси бўғилиб турган бўлса ҳам, Ботир амакининг кўнгли учун ундан-бундан чўқилади.

Улар Наманганга жўнаётган автобусга чиққанларида, кун анча ёришиб қолганди.

\*\*\*

Ота-бала Уйчи марказидан ўтиб Аллариққа етганидаёқ жуда катта издиҳомнинг яқинлашиб келәётганини кўриб машинани тұхтатиши. Нўъмон ота одамлардан олдинрок етиб бориш учун мозор күчага бурилди, ортидан чопиб келаётган Ботир кўлидагиларни сартарошхонадаги таниш шогирд болага берди-ю, ўзи отасининг ортидан югурди. Улар янги қазилган қабр тепасига келгандарида, беш-олтита одам майитни қўйишини талашиб-тортишаётган эдилар. Иккитаси ҳатто қабрнинг ичига тушиб олишибди.

— Қани, биродарлар, ўликнинг эгаси келди, — деди вазминлик билан Нўъмон ота.

Тўпланганлар уни кўрдилар-у, ўзларини бир оз четга олишибди. Қабр ичидағилар ҳам:

— Келдингизми, оқсоқол, бандачилик экан-да, — деб аввал таъзия билдирилар, кейин улар ҳам четга ўтдилар. Ота чакмонни ечиб ўғлига берди, ўзи енгларини шимариб қабрга тушди. Ҳамма ёқни синчков назаридан ўтказди...

Ёруғ дунёдаги энг яқин кишисини сўнгти бор бағрига босаркан, энтикиб-энтикиб йиглади, кўксига бошини кўйиб тўйиб-тўйиб хидлади.

— Мен ўзим, отам, мана ўзимман, отагинам, сизни маҳтал қилиб кўйдимми-а? Оҳ, оҳ, оҳ, шунақаям хушбўй бўласизми-а, ҳожим, шунақаям доно бўласизми-а, шайхим, валийим, ҳаммасини билиб туриб видолашиб олибсиз-ку, бизга билдиримабсиз-да, пиrim. Кеч қолиб безовта қилиб қўймадимми сизни, отам, отагинам. Гулдай баданингиз шу тупроққа эсиз эмасми? Қайси юрак билан сизга ваъда берган эканман-а?! Сизни шу қора тупроққа бериб кета оламанми?

Хўнграб йиглаётган Нўъмон отани яқинлари елкасига қокиб-қокиб қабрдан чиқардилар.

Мулла Жаъфарни оромгоҳларига қўйиб қайтган одамларнинг кўпи ҳовлига сифмай кўчада қолиб кетишиди. «Шахардан диний назорат бошлиғи келибди», – деб эшитган Ботир дадасига эргашиб туртиниб-суртениб оломон орасидан ҳовлига кириб олди.

Нўймон ота истараси иссиқ, оппоқ салласи ўзига ярашган бу кишидан ўғлини бир дуо килиб қўйишни сўради.

Имом-домла:

– Ота, ўғилни ўзингиз дуо килинг, фарзанд учун энг олий неъмат отанинг дуоси, биз сиздан кейин, – деди.

– Мен буларни доим дуо қиласман, домла. Агар шу болам туни билан йўл босиб мени етказиб келмаганида, бу ёруғ оламда бош кўтариб юришимга жожат қолмасди. Мендан катта лафэсизлик ўтган бўларди. Раҳматлининг васиятини, аввало, худо, қолаверса, унинг кўмаги билан ўғлим юзага чиқарди, илоё, ҳар банданинг фарзанди ҳам унингдек бўлсин, ота бошини ҳам қиласин.

Отанинг дуосини олгандан кейин, имом-домла бошчилигида йигилганларнинг барчаси дуога қўл очдилар.

## ОЙСУЛТОН

Изберили кунлар ортда қолди. Баҳор офтоби олтиндай яраклаб турган нурли шамширларини кўтарганча аёз салтанатига қарши жангга кирди. Унинг битмас-туганмас шижоатини кўрган сувлар дарҳол музли либосларини ечиб улоқтиридилар. Кор эса қуёш нуридан пана жойга: қўрғонлар, уйлар, деворлар пинжига ўзини урди, лекин умрининг сўнгги дакикаларини кечираётганини сезгандай титраб-қақшади, оғир-оғир нафас олди.

Майсаларнинг қулоғидан тортқилаётган шабада шивирлабгина кўклам мұждасини етказди.

Кишлоқда кўклам ўзгача викор, ўзгача сурур ила кезади, кўзларни яшнатади, дилларни қувнатади. Унинг ҳаёт, муҳаббат бобидаги асрий оҳанглари йигит-қизлар қалбига ўт қалайди. Наинки инсонлар, балки бутун мавжудот шу оҳангларга банди бўлади.

Лекин Ойсултон ўзгача.

Ойсултон... Сулувлар султони эди у.

Сочлари кўйлагидан узун, киприклари соchlаридан қуюқ, қошлари киприклирдан да камон эди унинг.

Ойсултон... Кишлоқнинг не-не йигитлари унинг ишқида телба; чиройига бир боқиб сўнг ўлишга тайёрлар қанча, йўлларига ниғорон субҳдан шом қадар дарвозаси атрофида парвона бўлганлар қанча...

Ойсултон... Барига бепарво эди у. На шўх яллалар, на ошиқларнинг илтижоли нолалари, на-да тенгкур кизларнинг туртқилашлари йўлдан оздирар эди уни.

Сипогина, осойиштагина... Ўзини кўча-кўйга урмайди, ҳуснини кўз-кўзламайди, ҳовли юмушлари билан андармон. Зарурият сабаб кўчага чиққанида кўзини ердан узмайди, кўча бошида тўрт-беш эркак кўриниб қолса, йўлини бошқа томондан солади. Шундок босик, шундок иболи, на шарақлаб кулади, на қилпанглаб юради. Юришлари бирам вазмин. Атрофидаги девоналарга бир қараб кўйса-чи, бирор билан очилиб-сочилиб гаплашса-чи. Туриб-туриб мана шу дунёning одамими ёки бир фариштами дейсан.

Ойсултон... Тавба дейман, отни ҳам топиб кўшишганда, кўрганнинг кўзини куйдиради-я.

Махмуд ундан ҳеч бир гап ололмади, жилла курса, бир бора нигохини тута олмади, «бир мартағина кўзимга қараса эди» дея зор бўлди, йигит

боши хам бўлди. Ҳеч нарсага эриша олмагач опасига ёрилди.

– Опа, тўғрисини айтсан, ўлиб-нетиб қоламан, юрагим ёниб кетяпти.

– Кўй-э, йигит кишига ярашадиган қилиқ қил. Бир қизни деб шунча куз ёшими? Ким бўпти ўша жа энди шунчаликка боргани?!

Опаси гарчи беписанд гапирган бўлса-да, ишни жўнаштириб юборди, онасига айтди, онаси отасига. Қарабисизки тўй, қасирабаданг...

Ойсултон келинларнинг сараси бўлди. Қайнонасини онадай кўрди, куёвини пирдай. Уни мактамаган, тукқан-бокканига тасанно айтмаган йўқ эди. Ҳамманинг оғзида, ҳамманинг кўзида эди у. Лекин бир киши армонда. Қайнотаси. Ёшлигидагужуда шўх ўтган Салим мўйлов ҳали-ҳануз қуюлиб ўлмаган эди. Сулув келинга сук билан тикилиб-тиклиб қарап, буни хотини ҳам сезар, лекин келиндан бирон-бир хатолик ўтмаётгани, ҳамиша ибоси билан тургани боис, тишини-тишига босарди. Аслиятан андишали аёл чевар хола «ишқилиб, ўғлим сезиб қолмасин-да» дер, бетавфиқ эрига Яратгандан инсоф тиларди.

Бора-бора бу Ойсултонга ҳам аён бўлди. У бир-икки мушуккўзининг нигоҳига дуч келди-ю, улардаги шайтоний ёзувларни ўкиб қалби шилинди. Ҳовлида якка қолиш унинг учун ўлим билан баробар, эри ёки қайнонасига айтиш ундан-да даҳшатли. У икки ўт орасида қовриларди гўё. «Ўлганим яхши». Тез-тез такрорларди шу жумлаларни. Кун сайин ич-этини ерди.

Бир куни ҳовлида ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб Салим мўйлов ошхонага кирди, шум ният билан келинга яқинлашди. Ўзи томон яқинлашиб келаётган имонсизни, унинг ибосиз нигоҳини кўрган Ойсултон: «Ўлганим яхши», – деб юборди сўнгги бор, ортга чекина-чекина ўчоққа яқинлашди. Узун

соchlари бир қалқиди-ю, олов қуршовида қолди. Аланга бир зумда кийимларига чанг солди, кийчув оламни тутди, хамма зир югурди, лекин Ойсултонни күтқариш ҳеч кимнинг құлидан келмади. Ойсултон фарёд күтарарди, бирок бу сира аламли фарёдга ўшамас, балки бу сас чиркин, булғантан күллардан күтулғанлик шодиёнасидай самога ўрларди, оловли либосда чириллаб айланыётган бу жусса эса дунёнинг бор ифлосликлари устидан қаҳ-қаҳ отиб алана намойиш этарди.

Ёниб кетдими Ойсултон?! Йўқ! Ёндириб кетди.  
«Шугина мени боламми-а?» – дея ишониб-ишонмай жамолига термилиб улғайтирган муштипарларини, тўлин сайдек қучогини тўлдирган жуфти ҳалолини, дарду қайфуси ичига маҳкум қайнонасини...

Суюкли санамнинг қоп-кора куйиндига айланган жасадини лаҳадга қўйиб келган Маҳмуднинг дарди дунёси қоронғу, ҳеч ким билан гаплашмайди, ҳеч кимга қарамайди, туз totмай кунларни ке-чиради. Бир куни уйга кираётиб отасининг: «Ким нима деса ишонаверасанми, ўз боламдай бўлиб қолган эди, нима, мен боласига кўз олайтирадиган ҳайвонманми?!» – деганини эшитиб қолди, кўз олди қоронғилашгандай, бирор бошига гурзи билан согандай бўлди.

– Э-э-э, – дея қўл силтаб ўгирилган Салим мўйлов дағ-дағ титраётган ўғлига рўпара бўлди-ю, арвохга дуч келиб қолгандай тош қотди, елкала-рида ўйнатиб катта қилган фарзанди кўзига жон олгувчи бўлиб кўринди, ҳайикди, юрак уриши тезлашди. Юзига қон тепиб ерга қаради, кейин шумшайғанича ташқарига йўналди. Каҳру ғазабга тўла нигоҳ унга эргашди. У буни ҳис қилиб турар, лекин ортга карашга ботина олмасди.

Махмуд онаизорининг нималардир деётганини қалбан сезар, аммо қулоқлари эшигтулик ҳолда эмас. Аста ўзига келди, фикри тиниклашди,

онасига караб «ҳеч гап йўқ» дегандай ишора қилди-да, кўчага чиқди.

Шу-шу Маҳмудни бу атрофда ҳеч ким учратмади. Ҳаёт аталмиш улкан баҳрнинг аёвсиз тўлқинлари уни бағрига олди. Изсиз, сассиз, жондан-да яқин кишисидан жудо қилган яқинларидан узоклашди.

## СИНОАТ

Күёш олтин савағичлари билан булутларнинг тит-питини чиқариб юборди. Бир лаҳзалик зафар шодиёнасидан қувониб бутун оламга жамолини кўз-кўз қилди-ю, яна қуюқ булутлар лашкарининг куршовига тушиб қолди. Аҳён-аҳёнда пахмоқ булутларни илма-тешик қилиб нурли найзалар кўзга ташланади. Енгилган жангчилар янгиларига жой бўшатадилар, лекин қуёш ёлғиз, шу боис жуда қийналади, уфқка бош қўяркан, юзлари алвон тусга кириб ловуллайди. Бу эртанги куннинг хайрли келишидан дарак. Туннинг содик қўриқчиси ой эса ўзини бутунлай булутлар ихтиёрига топширади-кўяди, уларга миниб олганча сайрга отланади. У энг юксакда эканидан, ичи тутуну қурумдан иборат қўллаб-қувватловчилари бисёр эканидан, уларга миниб олиб тонггача ҳаловатга ошно эканидан шодлана-шодлана ҳаволанади. Зулмат қўйнида рўй берайтган барча тубанликларни қўриб-билиб турса-да, қўрмасликка олишни маъқул деб топади, қўриб-кўрмай, билиб-бilmай, бугун-эрта заволга юз тутишини ўйламай-нетмай тўлишаверади, юксалаверади...

Тун, айникса, зулматли тун ўта вахимали... Бу ташвиш, ғам-қайғуга ботиб яшаётганларга жуда билинади. Неча кунки, Дилшоднинг ороми ўғирланган. Кундузи барчанинг кўз ўнгига энг баҳтли инсондай юради, аслида, бир ҳафта олдин ўзининг то-

леи баланд эканидан сармасст эди. Ўзи сүйган қизга уйланди, ҳам ўғил, ҳам қиз фарзанди бор. Ота-онаси ҳаёт, миниб юрган улови янгигина, бунинг устига, замонавий. Лекин тун чўкишидан юрак олдириб бўлган, хотини ҳам кундан-кунга сўлиб боряпти.

Қизалоги Дурдона жуда ширин қиз бўлди. Курган одам беихтиёр: «Вой манави қизчанинг шириналигини», – деб юборади. Кейинги кунларда шу қизалоқнинг аҳволи уларни жуда ташвишга солиб кўйди. Кундузи бир чиройли юради. Гоҳ бувисининг, гоҳ бобосининг ортидан эргашади, уларни саволга тутивериб безорижон қилиб юборади. Ҳаммаси тунда бошланади. Қизча бирдан чириллаб бақира бошлайди, оёқ-қўлари, ҳатто нозиккина бўйни узилиб кетгудай типирчилайди. Шифокорлар ҳайрон, фолбинилар лол, она боласига қўшилиб йиғлайди. Дишоднинг боши ҳам. Кунлар ўтиб қизалоқ кундузлари ҳам тез толикадиган, кўпроқ ётишни хуш кўрадиган бўлиб қолди, ранги ҳам синикиди.

Бугун ҳам Дишод уйга қайтаркан, қандай йўл тутишга ҳайрон эди. «Нимадир қилиш керак, нимадир қилиш керак-ку, ахир», – дея такрорлашдан нари ўтмасди. Ўша нимадирни тополмай дили ўртанаарди.

– Дишод, Дишод дейман, тўхтасанг-чи, оғайни.

– Э-э-э, нимаси Дишод буни, Дишуптон дегин, аҳволини қара.

– Дишом десак ҳам бўлади.

Дишод қадрдонларини кўриб синиккина жилмайди, лекин бу ним табассум унинг ҳақиқий аҳволини яширадиган кувватга эга эмасди. Кимгадир ёрилмаса ўзи ёрилиб кетиши мумкин эди ўша тобда. Ўртоқлари билан гузардаги чойхонага бурилдилар, чой буюрдилар. «Дастурхонга жарат йўқ», – дедилар. Гап дастурхон бўлди, ҳасрат дастурхон бўлди...

Уч ўртоқ узок жим қолдилар. Ҳикмат аста ўзига келиб Содиқни туртди:

– Сен боравер, оғайни, икковимиз кечиксак, улфатлар хавотир олишади, мен бу билан яна бир оз ўтирай, орқангдан етиб бораман.

– Дард берганнинг ўзи шифосини ҳам берар, ошна, ноумид бўлма, майли, мен борай, – фотиха ўқиб Содиқ жўнаб кетди.

Ҳикмат яна анча жим ўтири, нимадир айтмоқчиға ўхшар, лекин айтсамми-айтмасамми деб дўсттига қараб-қараб кўярди. Охири айтишга қарор қилди-да, ўрнашиброқ ўтириб олгач гап бошлиди:

– Дишод, эсингдами товуқхонада ишлаганимиз?

– Эсимда, яхши кунлар эди-а?

Дарҳақиқат, яхши кунлар эди. Товуқ гўштига шундай тўйгандиларки, охири оғзиларига олгилари келмай қолганди. Товуқчилик фабрикаси шу қадар катта, цехларда товуқлар шу қадар кўп эдик, наубатчиликда қолган болаларнинг еган-ичгани ҳовуздан сув ичган чумчукнинг тумшуғидаги томчи ҳисобида эди. Болалар сўйилган товуқларнинг ошқозонини териб келиб пиширишар, шуни еб нафсилини қондирадилар. Зерикарли туннинг танобини тортиш учун улар турли ўйинларни ўйлаб топишарди. Лекин Ҳикматнинг овозидаги титроқ буларни эсламаётганини, балки қабиҳ бир машғулотни ёдга олаётганини англатарди. Дишод илкис дўсттига кўз ташлади.

– Эсладингми, жўжаларни парракка отардиларинг, – деди Ҳикмат.

Эслади, эслади Дишод. Нега шунча пайт эсига тушмади экан-а? Улар икки-уч кунлик момик- момик жўжаларни шифтда бирдек айланиб турадиган парракка улоқтиришар, зумда тарикдай майдаланиб, сочилиб кетаётган жонзотларнинг оний чинқириғидан завқланишарди. Агар Ҳикмат:

«Кўйсаларинг-чи, буям бир махлук, худо яратган», – дегудек бўлса, жўралари устидан қулишар, «Канақа худо, ана, инкубатор буларни яратяпти, бориб қара, минг-минглаб махлукларнинг яралишини томоша қиласан», – дея мазах қилишарди.

Кизалогининг тунги чирқиллашлари, типирчилашлари ўзининг шунчаки кўнгилхушлик учун қилган гуноҳлари эвазига экани Дилшодга кундай равshan бўлиб қолган, нима дейишга ҳайрон, ерга қараганча ўтиради.

– Энди нима бўлади? – деди у гўё Хикмат бу ёғини ҳам башорат қила оладигандай.

– Билмадим, менимча, бирор исломий олим билан гаплашсанг, яхши бўларди. Маслаҳат сўра, тавба қил. Аллоҳнинг қарами кенг, зора, ўзи кўласа.

Дилшод аста ўрнидан турди, туман марказидаги масжид томон йўл олди.

Келинг, биз ҳам у билан шу ерда хайрлашайлик, зеро, хидоят излаб йўлга чиққан барча бандалари каби Яратган унинг ҳам қалбини иймон деб аталмиш нур ила сийласа ажабмас...

Тавбаси қабул қилиниб, қизалогининг қувончли қийқириқлари ҳаётий дунёсини нурафшон айласа ажабмас...

## **ҚАЙНОТА-КЕЛИН**

(Воқеий ҳикоя)

– Ё тавба, – дейди чол ўзига-ўзи, – бу дейман, кампир тушмагур ҳам энди қарибди, мияси суюлибди. Келин тутишни ҳам билмайди-я. Қаттиқроқ гапирсанг тумшайиб, қовоғини осилтиради, ўн беш кунлик келинчакдай.

Чолнинг тажанг бўлишига келсак, бари янги ке-

лин келган кунларида бошланган. Мана түрт-беш ой бўляптики чол кампири билан фижиллашгани-фижиллашган. Унинг назарида кампир келинларни тенг курмаётганга ўхшайди. Қачон қараса, кичик келин куймангани-куйманган, тиним билмайди. Катта келин эса «мен ҳам эдим сендеқ, сен ҳам бўласан мендек» дегандай истеҳзо аралаш қараб қўяди-да, боласини баҳона қилиб ҳеч бир ишга кўл урмайди.

Чол кампирига ҳадеб танбех беради:

– Хой инсонлар, буям бир мусулмоннинг тишида тишлаб бокқан боласи, қайнона-келин бир бўлиб жа эзвордиларинг-ку. Айт эркатойингга, битта яримта ишнинг бошини тутсин. Унинг қўлида бола бўлса, буники қорнида, осонмас. Уволига қолмагин, кампир, ўтган кунларинг эсингдан чиқмасин.

Кампирнинг жавоби ҳамиша тайёр:

– Вой, отаси, нималар деяверасиз ўзи? Билиб гапиради-да одам деган. Кичиги ҳовли тозалағанини кўрдингиз, каттаси ичкари хоналарни супуриб-сидирди. Кичиги овқат қилди, каттаси уни-буни тўргаштириб берди.

– Қара-я, сеники ҳамиша соя-салқинда, бу бирорники бўлса эртаю кеч ҳовлида экан-да. Офтоб уриб кетишидан, боши оғрийдиган бўлиб қолишидан қўрқмайсанми?

– Ўзи тинмайди, бирор унинг бошида тегирмон тоши юргазяптими? Қўйинг, вахима қилманг, жин чалармиди ёш нарсани?

– Чалади шу кетиши бўлса, жин чалмаса ҳам, қўзикади, кампир. Буям, асли, бизга берилган омонат...

Чол-кампирнинг бунака можаролари баъзан кичик келиннинг қулоғига чалинади. У қайнона-сининг ёлғон тўқишига ҳайрон қолади. «Кап-ката хотин, нега ёлғон гапирадилар-а?» – деб қўяди. Келиннинг ҳамма гапни эшлишиб қолганини сезган кампир уни ёнига ўтқазиб насиҳат бошлайди.

— Кизим, — дейди у ялинчоқ нигоҳларини келинга тикканча, — чолга ёлғон гапирмасам бўлмайди, тўполон кўтариб ҳаммани ҳар ёкка тўзгатиб ташлайди. Жанжалли уйдан барака кўтарилади. Асал қизим, сиз ҳеч оғринманг. Мехнатдан қочманг, мени айтди дейсиз, кунларнинг куни келганда роҳатини кўрасиз. Мен жиннимидим ким яхши, ким ёмон — ажратада олмайдиган. Ҳаммасини кўриб-билиб турибман. Лекин нима қилай, муросанинг уйи куйсин. Ташимда иккиси ҳам ўз қизим, кўрар кўзим деб мақтайвераман, лекин ичимни ўзим биламан. Сира кам бўлманг, болам, ҳали бу ички-ташқи дуоларнинг хосиятини ўзингиз ҳам кўрасиз.

Қайнонанинг бу самимий эътирофидан энтикан келин яна учеб-қўниб хизматни қилаверди, қўли ўн, оёғи саккиз бўлди.

Бир куни кампир саннай-саннай бир жойда тўй борлигини айтиб, бошига дока рўмолини солиб, махси-калишни ялтиллатиб, тугунни қўлтиқса уриб чиқиб кетди. Катта овсин, ҳар доимгидек, уйида ўзи билан, боласи билан овора, кичиги эса юмуш билан. Чол ҳам уни у ёкка, буни бу ёкка олиб ўзича уриниб юрибди. Бир ишни дўндириб қўя олмаслигини билади, лекин ҳайҳотдек ҳовлида куюнчак келинини ёлғизлатгиси келмайди, ора-чора унга гап ҳам ташлаб туради. Чолнинг «ўзингни кўп койитма, кун ҳам исиб кетди, бир оз дам олсанг бўларди» каби меҳрибончилигига жавобан ширингина жилмайиб қўядиган келин бугун унча рўйхушлик бермаётгандай туюлди. Аслини олганда, келини эрталабдан бери ғалатироқ юрибди, самимий кулиб турадиган кўзлари хира тортган, жуда безовта. Чол буни сезиб зимдан кузата бошлади. Қўлтиқлаб олган думбулларининг бўликлигидан кеккайган маккажўхорилар оралаб юрганида ҳам, бир қарсак уриб, бир ракс тушиб

учиб-кўнаётган капитарларини томоша қилаётганида ҳам бир кўзи келинда бўлди.

Келин бир тандирга ўт кўяди, бир молхонага югуради, яна чопганча тандир ёнига келади. Бу ҳол уч-тўрт қайтарилгач, чол хавотирга тушди. Келин айвон устунидаги саватни олиб шошилиб дахлизга кириб кетгач, у ҳам тез-тез юриб молхонага борди. Гарчи кун ёп-ёруғ бўлса ҳам, молхонанинг ичи фира-шира қоронги эди. Кичкина дарчадан тушиб турган шуъла узун, оқиш йўл ҳосил қилган. Шундай бўлса-да, бу ер анча вахимали кўринарди. Бир оз тикилиб тургач, чолнинг кўзи қоронгиликка мослашди-ю, ўргимчак иси босиб ётган шипга осилганча саланглаб турган йўрон арқонни кўриб ҳайрон бўлди. Дастреб ҳеч нарсага тушунмади, яқинроқ борганди, бир нарсага қокилиб мункиб кетди. Қараса, бурни остида кунда ағдарилиб ётибди. Бир сиртмоқ қилинган арқонга, бир кундага қараб юраги орқасига тортди, вужудини муздек тер қоплади. Демак, ҳамма безовталиктининг боиси шу экан-да. «Нега шунчаликка борди-а?» – деган савол миясига урилди. Лекин вақт тифиз: ўйлаш, мужокама қилишга имкон йўқ. Шу пайт камласига ярқ этиб бир фикр келди-ю, ҳолсизланган оёқ-кўлига жон кирди. Юрганича бориб яқиндагина туғилган барра кўзичокни тутиб келди.

«Астағфируллоҳ, астағфируллоҳ, ўзинг кечир, Аллоҳим, ахир, жонга жон деган гаплар ҳам борку», – дея пичирлаганча уни дорга осди. Оёқларини типирлатганича жон бераркан, катта-катта кўзлари нурсизланиб инграётган кўзичокқа қаралмай тезда ҳовлига чиқди. Яна ўз иши билан андармон бўлди, келинни кузатишни ҳам унутмади.

Келин нонни ёлаётуб ҳам, узаётуб ҳам молхона томонга қараб-қараб кўярди. Охирги нонни саватга ташлади-ю, кулчадек қип-қизил юзидағи терларини енги билан арта-арта молхона томон-

га чопди. Тандирдан эндигина узилган нонлар бу беписандлик, бу хурматсизликдан озорлангандай унинг орқасидан термилиб қолдилар. Ҳали ҳовури босилмаган тандирнинг оғзи баттар очилди.

Келин молхона эшигидан кирди-ю, «дооод» деб бақириб ўзидан кетди. Чол йўл-йўлакай дўпписига сув тўлдириб югурди...

Келин ўзига келгач, қайнотасининг сўроғига узук-юлуқ жавоб берди:

– Бир оппоқ кийимли аёл эрталабдан бери ишдан чалғитади. Бу ёққа кел, бу ёққа кел деяверади. Сенга чиройли жой тайёрладим, келсанг кўрасан дейди. Ҳеч ҳоли-жонимга қўймайди. Ҳозир нонимни ёпволай, ахир, десам ҳам, чақираверади.

– Кўркма, қизим, ўша сени чақирган аёл, аслида, жин экан, қара, кўзичоққа айланиб қолибди. Сени ўлдирмокчи бўлиб ўзи ўлибди. Худога шукр, кутулдинг, болам. Энди тура қол, юз-кўзингни юваб, бир оз дамингни ол.

Келин «хўп» дея қайнотасидан узоқлашди. Учтўрт қадам юргач орқасига қаради, меҳр томиб турган нигоҳларни кўриб энтикиб-энтикиб йифлаб юборди:

– Сиз бўлмасангиз, нима қилардим-а, отажон?!

Чол бир амаллаб келинини овутиб уйига киритиб юборди, ўзи эса кўзичоқни матога ўраб, киши билмас қилиб қабристоннинг бир четига кўмиб келди. Кампир келгач, унга тайинлади:

– Онаси, шу кичигинг кўзиккан кўринади, бир дам-пам солдириб юборгин.

Чоли астойдил куюниб гапирганидан бўлса керак, кампир келинига уч марта дам солдириди. Кечки пайт ҳамма дастурхон атрофига йиғилганда ҳам, телевизор томоша қилиб ўтирганда ҳам катта келин уйидан чиқмади.

Кунлар ўтди. Бу орада катта ўғил онасини ўртага кўйиб ҳовлини бўлиш, ўзига алоҳида уй-жой со-

лиш нияти борлигини билдириди. Катта келиннинг кейинги кунлардаги довдирашлари, рангининг бир оқариб, бир кўкариб кетишидан шубхаланиб юрган чол: «Бу фолбиннинг қизида бир бало бор, палакати, илоё, ўзига урсин», – деб рози бўла қолди.

Вакт-соати етиб чол ҳам, кампир ҳам бирин-кетин охират сафарига отланишди. Икки овсин девор-дармиён қўшни бўлиб узоқ яшашди.

Кичик келиннинг болалари ўзидан тинчиб, уйли-жойли бўлиб кетдилар. Ҳамхона келини ҳам бинойидай, оёқ-кўли чаққон, лафзи ширин. Лекин катта овсиннинг болалари нима учундир ҳануз баҳтини топмади. Қизи қиркқа етди, ўғли ўттиздан ўтди, лекин ҳали ёғиз.

Бу не синоат, Яратганинг ўзи билади.

## ИЛОННИНГ БОЛАСИ

Тавба... Шунча йил ўтгач бу яна нимаси...?! Икром уйғонди-ю, ўрнидан тургиси келмай ўйга чўмди. Тушига қизи кирибди. Кап-катта бўлиб қолганмиш, шу қадар маъсума, шу қадар латофатли. Кўзларига суратмисол чизилди гўё: у ёққа қараса ҳам, бу ёққа қараса ҳам шу қиёфа.

Дўконга етиб борди, иш бошлади, лекин кайфияти ўнгланмади. Харидорларнинг инжиқликларини ҳар вакт босиклик билан енгадиган одам бугун жуда тажанг эди, олдидан келса, тишлайди, ортидан келса, тепади. Тушликкача шу ҳолат давом етди. Тушдан сўнг дўконга кириб-чиқувчилар ҳам бир оз камайди. Бир пайт 7 – 8-синфда ўқийдиган қиз кириб келди.

– Шу рўйхатдаги нарсаларни берсангиз, – деб бир парча қофоз ва бир тахлам пул узатди.

Икром қизга тузукроқ эътибор ҳам бермади, нарсаларни халтага жойлаб пулни санади:

— Пулинг күп-ку, она қизим, ярми ҳам етади, — деди-да, қизга пулнинг ортиқчасини узатди.

Қизгина унга мұлтираб қараб турар, ёшли күзлари маъюс боқарди.

— Сенга нима бўлди, қизим, бирор еринг оғрияптими?

— «Қизим» деманг, нега ҳадеб «қизим, қизим» деяверасиз, мени дадам ўлган, билдийизми? — деди-ю, пулни ҳам, нарсаларни ҳам қолдириб йигланча чиқиб кетди.

«Бу қанақаси бўлди? Шу етмай турувди ўзи. Шошма, шошма, нега бу қиз кўзимга ўтдек кўринди? Кўзлари... намунча кўнглимга яқин бўлмаса бу кўзлар?.. Ёки Дилноз шундок бўлдими? Албатта, бўлади-да, ахир, ўн беш йил ўтди-ку. Сочларининг узунлиги ҳам, учининг жингаласи ҳам худди опам, опамнинг ўзи». Эрталабдан буён қалбини қоплаб ётган туман бирданига тарқаб кетди.

Икром доим мактабга опаси билан қатнар, кўпинча унинг икки қўли банд бўлгани боис, узун соchlаридан ушлаб оларди. У соchlарни қандок унутсин? Демак, бу қиз аниқ Дилноз. Бетайин Хуснида унга «станг ўлган» деган экан-да, ярамас жодугар. Ота-бала топишволмасин деб шундай қилган у бетавфиқ. Мана кўради топишволиш қанақа бўлишини...

Икром кечгача ўзини кўярга жой тополмади. «Нега дарров танимадим-а, нега бир марта бўлсин излаб бормадим-а?» — дея ич-этини еди. Назарида қизи уни танийди, йўқса, шунча дўкон туриб унинг олдига ки-рармиди? «Яна келади, албатта, бир кун келади», — дерди у тез-тез деразадан кўчага қараб кўяркан.

Уйга қайтгач ҳам унинг безовталиги аримади. Саломатхон бир гап борлигини фаҳмлаб турган бўлса-да кавлаштириб ўтиrmади. Жуда вазмин хотини бор-да, олдига дастурхон ёзиб, чой-нон қўйди-ю, болаларини ҳам олиб чиқиб кетди.

Хотиннинг йўриғи осон, айтса, айтдингиз демайди, айтмаса, айтмадингиз... Барига қўнидади. Овоздиз, шарпасиз кўзи билан сирлашади, кўзи билан эркалайди, кўзи билан овутади. Лекин онасидан қочиб қутулиб бўпти.

Айтгани бўлди. Хиёл ўтмай Лутфи хола инкилаб-синқиллаб кириб келди-да, ўтириб-ўтирмай сўроқни бошлади:

- Ҳа, жуда қовурилиб ётибсан, нима бўлди?
- Ҳеч.

- Нима ҳеч, мен кўрманми сенга?.. Гапир, нима бўлди, ўгри урдими ё комиссия келдими?

«Тавба, битта нарсани икки хил ном билан аташнинг нима кераги бор-а? Бари бир гўр бўласа?» Лекин бу сўзлар сиртига чиқмади.

- Ўзим шундай, ойи, ҳеч гап йўқ, хавотирланманг, ўтиб кетади.

- Ҳай бола, мани алдолмайсан, қани ёрил-чи, биласан-ку, барини айтиб би-и-ир тўкилмагунингча ўзинг ҳам тинчимайсан.

Ёши қирқقا яқинлашиб, соchlарига бир-икки оқ оралаб улгурган «болакай», ниҳоят, ёрилди:

- Ойи, Дилнозни кўрдим, кап-катта қиз бўлиб қолибди.

- Каерда кўрдинг?

- Тушимда, йўқ, ойи, ўнгимда... Тўғриси ҳам тушимда, ҳам ўнгимда.

- Алоҳал, тантифинг дўкон очганингни билиб қармоқ ташлашни бошлабди-да...

- Кўйсангиз-чи, ойи, ҳеч нарса олгани йўқ, қайтага пули ҳам, нарсаси ҳам колиб кетди.

- Буни қара-я, моддий ёрдам дегин...

- Эрмак қилманг, ойи, – тўнғиллади Икром ва бояги воқеани гапириб берди. Лекин онасининг авзойи барибир ўзгармади.

- Чувалчанг бўлиққина экан, ишқилиб, ўзингга эҳтиёт бўл, болам, •илон боласи илон, чаён бола-

си чаён» деган гап бор, – деб жавраганча чиқиб кетди. Ҳовлига чиқди-ю, ҳар доимги хиргойисини бошлаб юборди: «Ёндим-о ёндим, туту-у-уним йўқ, куйдим-о куйдим, кули-и-им йўқ».

Онасининг қўшигини эшитиб Икромнинг дили абгор бўлди. «Хаётда ҳеч ёлчимади онам шўрлик», – деб кўйди ўзига-ўзи.

Лутфи хола етти етимни ёлғиз қўл ўстирди. Еттовини озми-кўп ўқитди, ишли қилди. Эри шалвирагангина одам эди, шунга қарамай, рўзгорга жуда қайишарди. Умри қисқа экан, сариқ касал кўпайган йилларда ўлиб кетди. Икром эндиғина тўрт ёшга кирганди. Икки қиз, беш ўғил, бари еярман-ичарман. Вой-бўй, ёлғиз бошидан нималар ўтмади дейсиз... Яхшиям, қариндош-урур, қўни-қўшнилар бор экан, йиртиғига ямок, дастасига пичоқ бўлишди. Борингки, таваккал қилиб тўй бошласа, осмондаги қушлар ҳам унинг ҳовлисига пар ташлади. Ҳамма болалари ўзидан тинчили, туп қўйиб, палак ёзди.

Лутфи хола келинларидан жуда хурсанд эди. Лекин кенжеке келини сал бебурдрок, тутуриқсизроқ чиқди.

Икромнинг ёдидан бир воқеа сира чиқмайди, унаштирув ўтгандан кейин «куда кутлуғ бўлсин»га қариндош-урур йиғилишди. Онасининг бир жијани бор, жуда маҳмадона, адабиёт ўқитувчиси. Ўша келиннинг ким эканлигини билгач, шангилай кетди:

– Вой хола, шундан бошқаси қуриб кетганми? Айтмайсизми, ўзим сизга қанд қизлардан топиб бермайманми?

– Бунинг нимаси ёмон экан, ота қадрдонлари миздан.

– Э, қадрдонлигиям бор бўлсин. Жуда иккичи қиз бўлган. Мактабда ўзим ўқитганман.

Ҳамма бирданига қулиб юборди, қариндошла-

ри кула-кула «ўқитганмиш, иккичиймиш» дея тиз-заларига шапатиларди.

– Майли, болам, – кулги бир оз пасайгач, ясама вазминлик билан гап бошлади Лутфи хола, – мен унга иншо ёздирмай кўя қоламан, ғазал ёдламаса ёдламас, ана, бешга ўқиган келинларим ёзаверади, ёдлайверади, буниси уй ишларига яраб турса бас, холанг ўргилсан.

– Бекорга куляпсизлар. Буюк кишилардан бирининг: «Иқтидор ҳар ёқлама бўлади», – деган гапи бор. Ростанам аълочи болалар ҳар томонлама ажралиб туради. Салом-алиги жойида. Ўкиши ҳам яхши, шанбаликдаям фаол, пахтани кўп терган ҳам ўшалар. Ана шунака қизлардан танлаш керак эди. Бу танлаган қизингиз оқмаган сув, яна билмадим, ўзингиз биласиз-да.

– Энди, қизим, бўлар иш бўлди. Унаштирувни бузолмаймиз. Бу ёғи пешона, яхши бўлса ошини ер.

Хуснида яхши бўла олмади. Унга на куёвнинг даккилари, на қайнонанинг насиҳатлари, на ота-онасининг дашномлари фойда берди. Ўз билганича яшади, ҳеч ким билан ҳисоблашмади. Фақат «ўзим биламан» деди. Охири арзимаган нарсани баҳона қилади-ю, аразлаб кетиб қолди. Ҳамма тўйиб турган экан, шекилли, ортидан ҳеч ким излаб бормади, ортиқча жанжал-суронсиз қутулганларига шукур қилишди. Кизи туғилганда, Икром бормоқчи бўлди, лекин меҳри тушиб қолади деб онаси юбормади. Бир қариндошлари гап топиб келди: қизига Диљоза деб исм қўйишибди. Кейин Икром уйланди, кетма-кет фарзандлари туғилди, ҳаммаси изига тушиб кетди.

Энди эса кутилмаганда бу воеа... Ўй ўйлайвериб боши ёрилай деяпти.

Эртасига ҳам, ундан кейин ҳам йўл пойлади. «Келади, эртами-кечми кириб келади», – деб ишонарди у. Орадан бир ҳафта ўтди. Бир куни ҳеч дўконда

туролмади. Ташқарига чиқиб сигарет тутатди, шу пайт йўлнинг у бетида хомуш кетаётган кизини кўрди. Кўрди-ю, кўлидагини отиб юбориб, югурганча йўлни кесиб ўта бошлади. Шошқалоқ шофёрлар сигналга зўр беришди, ҳовлиқмалари чакакларига. Шунда ҳам қизгина бошини кўтариб қўймади. «Ууман онасига ўхшамабди. Опам, опамнинг ўзи...» Икром хаёлидан шуларни кечирганича чопиб бориб кизнинг йўлини тўсди. Икки кўлидан ушлаб қаршисида чўккалади. Ҳам хавотир, ҳам қўрқув ила ёниб турган икки чўф аввал унга, сўнг ерга қадалди.

«Нега индамай кетиб қолдинг?»

«Нима дейишим керак эди?»

«Билмадим, жилла курса, «қизингизман» десанг бўларди-ку...»

«Танимасмидингиз?»

«Нега энди танимай, бу соchlаринг, бу кўзларинг менга шу қадар қадрдонки, дунёларга алишмасдим уларни...»

«Унда нега шунча пайт қидирмадингиз?»

«Билмадим, жоним болам, билолмадим». Ёшга тўла кўзлар сўзлашардилар, кувонч тўла диллар сирлашардилар.

Тиллар гунг эди, соқов эди.

Икром секин-аста ўзига келди-да, ўрнидан туриб қизининг бошини бағрига олди, пешонасидан меҳр билан ўпди:

– Онанг яхши юрибдими?

– Юрибди, – қизнинг аввал овозида, кейин кўзида совуқлик пайдо бўлди, худди онасига ўхшаб кетди.

– Онангни сенсираяпсанми?

– Чунки у сизлашга арзимайди.

Икром бошини кафтлари орасига олди, ўн беш йилда топган қизини ўн беш сонияда йўқотди гўё. Кўнглидан бир нима «чирт» этиб узилди.

– Майли, мен кета қолай, – бир лаҳзада яна ювош тортган қизи аста кета бошлади.

- Шошма, Дилноз, ўша қуни пулинг ҳам қоп кетди.
- Э-э-э, күяверинг, ўшайм пулми?
- Йўғ-э, нега пул бўлмасакан, ма, қизим, у-бу оларсан.

Бир даста пулни қизининг сумкасига жойлади, санаб кўриш хаёлига ҳам келмади.

Аввал «керакмас, керакмас» деб тихирлик қилган Дилноз ноилож кўнди, ҳатто дадасини кучиб юзидан ўпиди. Қалбидаги бор оталик меҳри юзу кўзига кўчиб ўтган Икром қизининг ортидан термилганча қолди. Бўй-бастига ярашган узун жингала-жингала соchlари тез-тез юрганидан «сен ҳам юр биз билан» деяётгандай эшилиб-эшилиб у ёқдан-бу ёққа тўлғонарди.

Икром қизнинг ортидан анчагача қараб турди.

«Устамниги кетяпман», – дедими, демак, шогирд тушган. Каерда экан-а устасиники? Ҳозир ортидан бораман-да, қаергалигини билиб оламан. Вакти-бемаҳал хабар олиб турардим. Шу хаёл билан қизини қора қилиб ортидан бораркан, бир жойда кўздан йўқотди. У ёқ-бу ёққа аланглаб турганди, фўнфир-фўнфир овоз эшлилди. Яқинроқ борди-ю, газета дўкони биқинидаги ўриндикда гаплашиб ўтирганларни кўриб тўхтади. Овозлар жуда таниш эди. Бири топилган, бири эса йўқотилган...

- Яхшиям, келаверганинг, «кўчага чиқмасакан, ҳар қуни боравераманми?» деявериб қулоғимни егандинг, мана, ниҳоят, чиқибди-ку...
- Чиқмай ўлсин.
- Унақа дема, отанг, ахир.
- Отам эмас, ўн беш йилда бир марта қидирмади-я, қизим бор эди демади-я, унақа отадан...
- Кўй, энди, яхшиси пулни сана.
- Пул меники, санаб нима қилдим, қанча бўлсам фарқи йўқ.
- Ҳой қиз, асабимни ўйнама, режам иш бер-

маганида, ўтиардинг мишифингни оқизиб, кўлингдан нима келарди, тирранча?!

– Сени кўлингдан нима кела қолди, нимани қотириб қўя қолдинг?!

– Сенсирама, беандиша, онангман!!!

– Сен андишалимисан, унда нега битта эрни эплаб ўтиrolмадинг?!

– Ўчир!

– Ўзинг ўчир...

Она-бала бир-бирларини юмматалаб ҳақорат ботқоғига ботиб боришарди. Айбсиз айборнинг эса кўз олди тобора қоронфилашиб борар: «Чувалчанг эмиш-а, илон-ку бу, ойи, илон...» – дея шивирларди...



## ҲАЖВИЯЛАР

### БИЗНЕСМЕН

– Ҳа онаси, яхши ўтирибсизларми, болаларга айтинг, мана буларни ташиб олишсин. Ўзингиз ҳам тузукмисиз? И-я, ҳозир-ҳозир, бир минут, хоним.

– Алло, лаббай, шеф, сояйи давлатингизда, шеф, ҳаммаси айтганингиздай бўлди. Мени биласиз-ку, жой-жойига жойладим. Ҳа-ҳа, ўзим Жиззахдаман, эрта сахар ҳузури муборакда бўламан, албатта, албатта, ёғни Ҳакқулободга, гуручни Тўракўргонга, унни Жиззахга етказдик. Хўп, бўпти, майли...

– Хўш, онажониси, энди гаплашайлик, ишлар қалай, болалар яхши юришибдими? И-я, ҳозир-ҳозир, бир минут, хафа бўлмайсиз, хоним...

– Алло, ҳа Исом, нима гап, жойладингларми, бўладиган ишми ўзи? Тез-тез бажаради-да бўладиган ишни. Кўп галирма, Исом, кўп ишла, эшитдингми, ишла-а-а. Шундоқ бўлсин. Менми? Қаерда бўлардим, Ҳакқулободдаман-да. Майли, ишингдан қолма.

– Хўш, онаси, ўтилинг-чи мундок, дунёда нима гаплар, бу нима деганингиз, дунё билан ҳаммазининг ишимиз бўлиши керак, мен сизга айтсан. Хўп, дунёни қўйинг, рўзгордан галиринг, рўзгордан. Камчиликлар йўкми? Ана холос, булар ҳеч тинчитмайди-ку!

– Алло, ҳа акахон, Тўрақўрғондаман, акахон, юкларни жойлаяпмиз-да, ҳа ўша ўзингиз тайинлаган базадамиз, Зухриддин aka ҳам шу ердалар, салом айтъяптилар. Энди, акахон, «унақа бўлса бешдан, бунака бўлса ўндан» деган эдингиз-ку... А-а, шунақа бўлиб қолдими, майли, майли.

– Буларни қаранг, онаси, кечаги гапи бугунга тўғри келмайди, ёлғон галиргани худодан қўркмайди-я! Нима ўзим, ўзим ёлғон галирдимми, қўйсангиз-чи, хоним. Ана танқидингиз худогаям хуш келмади.

– Алло, ҳа Шавкатжон, укам. Сизники ҳамиша олчи бўлади деганимидим, демак, бўлади. Фақат бизнесда шошилмаслик керак, мўлжални тўғри олиб бир ҳамла қиласмиш. Ҳа, битай деб турибди. Шу десангиз, укам, маза қочиб қолди. Шифохонадаман. Айтганингиз келсин, бир-икки ҳафта ётасиз дейишияпти-ку, майли, укам, соғлиқни эҳтиёт қилинг. Хўп-хўп.

– Энди, онаси, қаерга кетиб қолдингиз, ўтирудик шириндан-ширин сухбат қуриб. Оббо, қаерда қолди бу, бир пиёла сариқ сув тутишни билмайди-я. Алло, ия онажониси, нега гаплашмай, мана гаплашиб турибман-ку. Телефонни нега қарғайсиз? Шунақами? Буни қаранг-а, яна синглингизнинг қизи

туғибдими? Ҳали икки ой ҳам бўлмади-ку? Э-э-э, шунака демайсизми, буниси бошқа қизими, мен ўшанисими деб... Албатта, онажониси, албатта, чиройли бўлиб боришингиз керак. Менам тутунни назарда тутяпман-да. Юз етадими, уч юз денг, майли, эрталаб қўлингизда бўлади. Ҳозир, қандоқ килиб, ҳа-я, уйга келгандим-а? Унда нега телефонни банд қиляпсан. Ўчир муни, пул ёзади-ку. Уч дақиқа, ўзим аҳмоқман, уч дақиқада уч юзга тушдим-а. Шеф доим айтарди-я, аҳмоқ одам хотини билан бир сониядан ортиқ гаплашади деб...

## ТЕКИН ДОРИ

— Вой, нималар деяпсиз, овсинжон?

Ўлар бўлсам ўлиб бўлдим-ку. Э-э-э, сизга нима ташвиш, уйингиз бошқа, жойингиз бошқа. Келинг, мундоқ ўтиринг, ҳаммасини ўз кўзингиз билан кўрасиз. Яхши кўринади деб дивани шу ерга жойлаштиргранман.

Ана, ана, келдилар, бизнинг қариб қуюлмаган қайнотамиз. Нақ Мажнун дейсиз. Ҳамиша қўлларидаги тўрва халта тўла. Қаранг-қаранг, ўн йил кўришмагандек елкаларидан қучиб сўрашадилар. Кампиршоям шу кунларда роса очилдилар. Бунақа уход кимга ҳам ёқмайди дейсиз? Ора-чора гултаста ҳам олиб келадилар. Ҳай овсин, сизники ҳеч гул совға қилганми? Меникини гапирмасаям бўлади, булар умуман отасига тортмаган.

Қаранг-қаранг, чой узатишни кўряпсизми? Худди бир ҳафталик келинчакдай етти букилганларига ўлайми, ўзи шундоғам белни зўреа тутадилар.

Э-э-э овсинжон, нимасини айтай, кўриб куйиб кетаман, ана ҳаёт, ана мухаббат...

Халтани очяптилар. Бу ёғи энди очил дастурхон: балиқ дейсизми, табака дейсизми... Ана, айт-

мадимми? Энди томошанинг зўри бошланади: «Сен же, мен же».

Нимаси яхши,вой тавба, «дўстингдан топ» дегани шу бўлса керак-да.

Вой-вой-вой, нимаси яхши, бу муҳаббатга тўла ҳаёт саҳнасининг иштирокчиси эмас, қуруқ томошабини бўлишнинг нимаси яхши?

Ҳа, келадилар ҳозир, сўппайиб кириб келадилар. Ана, кўзингиз учиб турувди, келдилар. Бу киши ҳам тўғри «боги сафо»га йўл оладилар.

Шу-шу, ота-она дуосини олиш керак савил.

– Нилу, чой қўй, даданг келди. Ноn йўқ бўлса, тишингни тишингта босиб чидаб тур, ана дадангга тутқазишяпти. Бу ёқдагиларга бўлаверади олқинди-солқиндилар.

Вой-вой, тараңг қилганларига ўлайми, ичларида жон-жон деб турибдилар-у.

Қаердан келарди, овсин, жиян-жапо, келин-кечак дегандай. Биласиз-ку, булар ўзи ит уруғ. Ростиям шу-да. Бири келади, бири кетади, ҳеч ким қуруқ келмайди.

Ҳа, энди бизга ҳам, денгиздан томчи дегандай, етиб турибди. Вой, ана келяптилар, энди бизнинг саҳна бошланади.

– Ассалому алайкум, дадажониси, келяпсизми ҷарчамай? Ишларингиз яхшими, ҳа, жуда яйраб ўтирибмиз. Нималар деяпсиз, кунда ўн марта ҳабар оламан-ку, кўрдингизми, ҳамма ёқни чиннайдай қилиб тозалаб бердим. Вой, нимаси миннат, қанақа миннат? Хўп, мана ўчдим. Гапирмадим. Ошхонага ўтаверинг, болаларингиз кутиб ўтиришибди. Нилу, дастурхон тайёра.

Бошим нақ ёрилай деяпти. Юрагимга қил сифмайди. Ҳамма нарса етарли, ошиб-тошиб ётибди, лекин бир чимдим меҳрга зорман. На отаси, на болалари қадримга етади. Кундан-кунга ахволим оғирлашиб боряпти. Каерим бўларди, ошқозоним

тинимсиз оғрийди, яра бўлганми дейман. Устига-устак, дорилар заҳардан қиммат. Текин дори дейсизми, қаерда бор экан? Нима-нима? Осоийишталик... Бунақа дорини энди эшитишим. Э-э-э қўйсангиз-чи, ошқозонга асабнинг нима алокаси бор? Еганим ёқмайдиям, юқмайдиям. «Айб сиз еган нарсада эмас, сизни еяётган нарсада», – дейсизми? Мени нима ейди, ўлай агар, тушунмадим.

Ҳай, тўхтанг, қаёққа кетяпсиз, шошманг, мундок одамга ўхшаб очикроқ гапирмайсизми?

Ҳе, одам бўлмай ўл, келиб-келиб шунга ҳасратимни очдимми?! Нимага келганакан ўзи? Вооой, «ўғлим машина олди» дедими, «қаерга десангиз олиб бориб-олиб келади, келинойиси» эмиш.

Вой-вой-вой! Ошқозоним ёмон санчиди-ку!

– Нибу, дорим қаерда, ҳой яшшамагур, доримни топ деяпман.

## ҚАЛВ ТҮЛҚИНЛАРИ

*(қатралар)*

### 1

- Устоз, сизга ҳавас қилгувчилар кўп, сиз ҳам кимгадир ҳавас қиласизми?
- Ҳавас қиласман.
- Айтинг, кимга?
- «Намоздан кеч қоляпман, шекилли», – деб масжид томон югуриб кетаётган ўспиринга.
- Нима учун?
- Сабаби, у айрим инсонлар ҳаётининг сўнгига ҳам эриша олмайдиган саодатга ҳаётининг илк давридаёқ ошно бўлди.
- Айтинг, яна кимга ҳавас қиласиз?
- Соғинганидан дам соатга, дам кунга қараб намозни интиқлик билан кутаётган йигитга ҳавас қиласман.
- Нега?
- Чунки бу ёшдагиларнинг аксарияти ҳаётий ёр висолига шу каби интиқ бўладилар. У эса ҳақиқий ёр висолидан умидвор.
- Яна кимга ҳавас қиласиз?
- На тоат-ибодати, на дунёвий ишларида қусури бўлмай, сокинлик билан ҳаётдан кўз юмаётган кексага, жойнамози устида жон таслим қилган мўминга, рўзадор ҳолида омонатини топширган мусулмонга, яна, мана шундай сұхбат сўнгига: «Аллоҳга беадад шукроналар бўлсин», – дея хайрлашадиган сұхбатдошларга.
- Аллоҳга шукроналар бўлсин, – деди шогирд, яна қўшиб кўйди, – Аллоҳга беадад шукроналар бўлсин...

- Устоз, қандай одамларга ачинасиз?
- Тани-жони соғ була туриб, қанчадан-қанча лаҳзаларни тоат-ибодатсиз ўтказаётган инсонларга ачинаман.
- Яна кимларга ачинасиз?
- Яна юзларида илоҳий нур жилва берәётган йигитчанинг ихлос ила, эҳтиром ила берган саломига номигагина бош силкиб қўйиб, жон-жаҳди билан қўшнисининг ғийбатини давом эттираётган кексаларга ачинаман.
- Яна кимларга ачинасиз?
- Очиқ-сочиқ кийим кийиб ўзини-да, ўзгаларни-да гунохга ботираётган қиз-аёлларга ачинаман. Ўз гуноҳларини ювишга, балки, эришарлар, аммо уларни деб «кўз зиноси» аталмиш гунохга ботаётганларнинг уволию заволига қай йўсинда жавоб топар эканлар?
- Яна кимларга ачинасиз?
- «Менинг ибодатим ўзгаларникидан устунрок», – дея кибрланганларга, кимдир қўлга, наинки қўл, балки бармоқقا, наинки бармок, балки тирнокқа қараб топаётган ҳикматни бутун борликни кузатиб ҳам топа олмаётганларга, қулфи дили очилмаётганларга...
- Аллоҳга туғилганимдан то вафотимгача оли-нажак нафасларим қадар шукроналар бўлсин, – дея хайрлашибди шогирд.

## **МУНДАРИЖА**

### ***Кисса***

Аслият.....	3
-------------	---

### ***Хикоялар***

Дуонинг құдрати .....	49
Ойсултон.....	69
Синоат.....	73
Қайнота-келин.....	76
Илоннинг боласи.....	81

### ***Хажвиялар***

Бизнесмен .....	88
Текин дори .....	90

### ***Катралар***

Қалб түлкінлари .....	93
-----------------------	----

*Адабий-бадиий нашр*

**Малика БОЙХАНОВА**  
**АСЛИЯТ**

*Ҳикоялар, қатралар, ҳажвиялар*

**Мукаррир:** Абдулла ШАРОПОВ

**Мусалхих:** Мархабо ЖҮРАЕВА

**Техник мукаррир:** Алимардон АҚИЛОВ

**Бадиий мукаррир:** Хуршид ИБРОХИМОВ

Нашриёт лицензияси: AI №134, 27.04.2009

Теришга берилди: 07.01.2013 й.

Босишга рухсат этилди: 13.03.2013 й.

Офсет қорози. Коюз бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ .

Bookman гарнитураси. Оффсет усулида босилди.

Хисоб-нашриёт т.: 3,38. Шартли б.т.: 5,04.

Адади: 1000 нусха.

Буюртма № 12

«AKADEMNASHR» нашриётида тайёрланди ва чоп этилди.  
100156, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20<sup>4</sup>-мавзе, 42-үй.

**Тел.:** (+99871) 217-16-77.

**e-mail:** akademnashr@mail.ru

**web-site:** [www.akademnashr.uz](http://www.akademnashr.uz)

«AL-ALKOM TRADE» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 1<sup>4</sup>- уй.